O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель
uzbunyodkor t.me/uzbunyodkor uzbunyodkor info@uzbunyodkor.uz uzbunyodkor.uz
Газета 2016 йил 2 августдан ҳафтанинг сешанба ва жума кунлари чиқади.



# МЕГА ЛОЙИҲА ХАЛҚИМИЗГА 300-400 йил хизмат қилиши керак

Наргиза МИРЁҚУБОВА, “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Мамлакатимиз пойтахти Тошкент мустақиллик йилларида давомида чирой очиб бораётганига гувоҳ бўляпмиз. Айниқса, кейинги етти йилда мисли кўрилмаган қурилиш-бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.**

Шаҳар бугун бир неча йил олдинги кўринишда эмас. Чин маънода мегаполис қиёфасига кириши учун қурилишнинг энг замонавий ютуқлари амалиётга интеграция қилинмоқда. Қурилишнинг янги технологиялари кириб келмоқда. Шу ўринда бир рақамни келтирмоқчиман, 1991 йилдан 2016 йилгача юртимизда 2 мингга яқин қурилиш-пудрат ташкилоти фаолият юритган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 40 мингдан ошиб кетди.

Шунга мос равишда қурилиш жараёнлари ҳам жонланиб, биргина Тошкент шаҳрида 100 мингга яқин квартира қурилиб, аҳоли ихтиёрига топширилди. Замонавий корхона ва иншоотлар барпо этилди. Шунингдек, замонавий мактаблар, боғчалар, тиббиёт муассасалари, парклар, йирик спорт мажмуалари қурилди. Шаҳарда жамоат транспортини ривожлантириш мақсадида ер усти метроси ишга туширилиб, кунлик йўловчи қатнови 1 миллиондан ошди.

Тошкент ривожланмоқда. Сўнгги 6 йилда Тошкентда фаолият юритаётган корхоналар сони 2 баравarga кўпайган. Бизнес муҳити яхшилангани, тадбиркорлар учун қулай шароитлар яратилгани натижасида 26 миллиард АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган.

2030 йилгача “Янги Ўзбекистон” массивлари сонини 100 тага етказиш белгиланган. Яъни, Президентимиз аҳолининг муттасил ўсиб боришини ҳисобга олиб, фақат бугун эмас, келажакни ўйлаб ҳам иш тутаётгани ойдинлашмоқда. Сўнгги йилларда ҳудудларда қад ростлаётган “Янги Ўзбекистон” массивлари иборасига, яқиндан бошлаб “Янги Тошкент” шаҳри номи ҳам қўшилди.

Тан олиш керак, шу йиллар оралиғида кўп ишлар амалга оширилди. Аммо бундан ҳам кўпроқ имкониятлар бор. Очиғи, охирги пайтлар глобал ривожланиш Тошкент инфратузилмасига ҳам таъсир кўрсатди. Урбанизация ҳисобига пойтахт аҳолиси сонининг ортиши инфратузилма тармоқларидаги ҳаддан ташқари юкламалар, транспорт ҳаракатидаги тирбандликлар, чанг, тутун буларнинг барчаси Тошкент шаҳри майдонини кенгайтиришни, одамлар яшаши учун қулай шароитга эга Яшил шаҳар қуришни тақозо этаётганди. Ахир, пойтахт аҳолиси деярли 5 миллионга етди. Бугунги кунда 20 мингдан ортиқ квартирага, 40 дан ортиқ мактаб, болалар боғчалари, поликлиникаларга эҳтиёж бор.

Ўтган йилги Наврўз байрами арафасида нафақат пойтахт, балки юртимиз аҳолиси учун ҳам эсда қоларли тадбирлардан бири бўлиб ўтганди. Ўшанда, яъни 18 март куни Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган Янги Тошкент шаҳри қурилишига тамал тоши қўйилганди. Бунёдкорлик ишларини мувофиқлаштирувчи кенгаш ва дирекция тузилиб, лойиҳалаштириш ишлари олиб борилди.

Президент Шавкат Мирзиёев куни кеча юртимиз пойтахтида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, янги таълим ва туризм объектларида яратилган шароитлар билан танишиб, Янги Тошкент шаҳрининг илк иншоотлари қурилишини бошлаб берди. Муқаддас Рамазон ойида бу ерда илк иншоотлар қурилишини бошлаш маросими бўлди.

Тадбирда Президент Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлаб, бу тарихий воқеа эканини таъкидлади.

– **Бугун “Янги Ўзбекистон” университети ва Тошкент давлат педагогика университетининг кампуслари, Миллий кутубхона, Миллий театр, Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, Адабиёт музейи, ижод мактаби ҳамда Миллий мақом марказига тамал тоши қўямиз. Янги шаҳар қурилиши илм-фан, маънавият масканларидан бошланаётгани бежиз эмас. Булар маърифатли жамият барпо этиш ғоямизнинг асоси ва намунаси бўлади**, – деди давлат раҳбари тадбирда.

Маърифатли жамиятнинг асосий пойдевори мактаб бўлса, муаллим унинг устунидир. Шу боис, бу ерда биринчилар қаторида Тошкент давлат педагогика университетининг янги кампуси барпо этилади. У 20 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 5 минг ўринли ётоқхона, 300 ўринли боғча, 616 ўринли мактаб, 588 ўринли академик лицей, замонавий спорт комплекси, маданият саройи, амфитеатр ва бошқа объектларни ўз ичига олади. Юқори рейтингли хорижий олийгоҳлар тажрибаси асосида “боғча – мактаб – университет” яхлитлигидаги инновацион педагогик кластер ташкил этилади.

“Янги Ўзбекистон” университети юртимиздаги энг нуфузли олийгоҳ бўлиб, унда муҳандислик, бошқарув, ахборот технологиялари, агротехнологиялар, гуманитар ва табиий фанлар бўйича мутахассислар тайёрланади.



**Бу – 1 миллион аҳоли яшайдиган массив, 420 гектар майдонда марказий боғ, умумий 20 минг гектарда қад ростлайдиган келажак шаҳар. Шаҳар лойиҳаси ҳар томонлама пухта ўйланган, етти ўлчаб бир кесилган шаҳарсозлик архитектураси намунаси бўлиб, унда инфратузилма ҳам жаҳон талаблари даражасида кўзда тутилган.**

▶ 3-бет

# ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА РАМАЗОН ҲАЙИТИ ТАБРИГИ

Қадрли ватандошлар!

Аввало, муқаддас динимиз буюрган ибодат ва амалларни муборак Рамазон ойида чин дилдан, ихлос билан адо этиб, бугун ҳайит айёмини катта шоду хуррамлик билан кутиб олаётган сиз, азизларни, юртимиздаги жамики мўмин-мусулмонлар, бутун халқимизни самимий табриклаб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва энг эзгу тилакларимни изҳор этаман.

Шундай саодатли дамларга етказгани учун Аллоҳ таолога беҳисоб шукроналар бўлсин!

Сидқидилдан қилган дуо ва ниятларимиз, эҳсон ва амалларимизни Парвардигори олам ўз даргоҳида қабул айласин!

Инсон қадрини улуғлайдиган савобли ишларимиз бардавом бўлсин!

Азиз юртдошлар!

Ҳаммамизга аёнки, ислом дини – тинчлик, эзгулик ва инсонпарварлик динидир. Муқаддас китобларимизда **“Тинчлик-омонлик, ўзаро дўстлик ва аҳилликка интилиб яшаш – чин мўминга хос фазилатдир”,** деб таъкидлангани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Бу йилги Рамазони шариф кунларида ана шу қадриятлар ҳаётимизда янада ёрқин намоён бўлди. Мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар динимизнинг асл моҳияти билан, унинг олижаноб ғоя ва тушунчалари билан уйғун ва муштарак эканини барчамиз яна бир бор чуқур ҳис этдик.

Пок ниятлар ижобат бўладиган ушбу ойда диёримиз мусулмонлари диний амалларни эмин-эркин адо этишлари учун барча шароитлар яратилди. Беморлар, ногирон ва кекса инсонлар, кам таъминланган оилалар, эҳтиёжманд қатламларга меҳр ва эътибор янада кучайди. Буни биргина мисол, яъни кўмакка муҳтож инсонлар учун 20 миллиард сўмдан зиёд моддий ёрдам кўрсатилиб, маҳалла ва хайрия ташкилотлари томонидан барча ҳудудларимизда ифторлик ва эҳсон маросимлари ўтказилгани ҳам тасдиқлайди.

Айниқса, 25 март оқшомида Наманганда Фарғона водийсидаги учта вилоят жамоатчилиги вакиллари иштирокида ўтказилган, бутун мамлакатимиз маҳаллаларини қамраб олган ифторлик маросимлари кўпмиллатли Ўзбекистон халқини бамисоли бир дастурхон атрофида бирлаштириб, ушбу ойга хос эзгу фазилатларнинг яна бир мужассам ифодаси бўлди.

Қутлуғ Рамазон кунларида бир гуруҳ уламоларимиз хорижий мамлакатларга бориб, ватандошларимизга халқимизнинг самимий саломи ва эзгу тилакларини етказиб, уларни ислом маърифатидан баҳраманд этганлари айниқса эътиборга сазовордир.

Ҳурматли дўстлар!

Янги Ўзбекистонда юртимиздаги барча миллат ва конфессия вакиллари учун виждон эркинлигини таъминлаш, уларнинг тили, маданияти ва урф-одатларини ривожлантириш учун зарур шароитлар яратилмоқда. Жумладан, янги масжидлар барпо этилмоқда, улуғ алломалар, азиз-авлиёларимизнинг қадамжолари обод қилинмоқда, миллий ва диний қадриятларимиз тикланмоқда. Муборак Ҳаж ва Умра зиёратлари учун кенг имкониятлар очилмоқда.

Мана, бу йил ҳам Рамазон ҳайити муносабати билан юртимизда уч кунлик дам олиш эълон қилинди. Бу эса байрамни янада файзли ва мазмунли ўтказишга, ўзаро меҳр-мурувват ришталарини боғлашга хизмат қилади, албатта.

Ҳеч шубҳасиз, бу борадаги ишлар келгусида ҳам давом эттирилади. Бунинг учун ҳозир дунёда юзага келган ғоят мураккаб ва таҳликали вазиятда диёримиздаги тинч ва осойишта ҳаётни кўз қорачиғидек асраб, янада ҳамжиҳат бўлиб, халқ манфаатини таъминлашга қаратилган ислоҳотларимизни янги босқичга кўтариш зарурлигини, ўйлайманки, барчамиз яхши англаймиз.

Нуронийлар, диний-маърифий соҳа вакиллари, кўпмиллатли дўстлик жамиятларининг намунали ҳамкорлиги ва уларнинг “Яшил макон” умуммиллий лойиҳасидаги фаол иштирокларини алоҳида мамнуният билан қадрлаймиз.

Айни вақтда ёшларимизни азалий қадриятларимиз билан бирга замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, Ватан тупроғини кўзига тўтиё қилиб яшайдиган инсонлар этиб тарбиялаш асосий бурчимиз эканини доимо ёдда тутишимиз лозим. Жумладан, **“Эзгулик – шиоримиз, маърифат – қуролимиз”** деган шиор асосида таълим масканлари ва маҳаллаларда олиб борилаётган тарбиявий ишларни кучайтиришимиз керак.

Бу борада Ҳаж ва Умра сафарларига бориб келган юртдошларимизнинг “маҳалла еттилиги” ва фаолларимиз билан бирга алоҳида ўрнак кўрсатиш бўйича ташаббусларини қўллаб-қувватлаймиз.

Яратганнинг раҳмати ва мағфирати зиёда бўлиб турган ушбу мунаввар лаҳзаларда хориждаги юртдошларимизни, узоқ ва яқин давлатлардаги барча мусулмон умматини Рамазон ҳайити билан сидқидилдан муборакбод этамиз.

Азиз ва муҳтарам ватандошлар!

Қалбларимиз қувончга тўлган мана шу мўътабар айёмда сизларни муборак Рамазон ҳайити билан яна бир бор чин юракдан қутлаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

Илоҳим, барча эзгу ниятларимиз амалга ошсин!

Яратганимизнинг ўзи эл-юртимизни паноҳида асрасин!

Рамазон ҳайити барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти.**

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель

ҚУРИЛИШ ВА УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИДА

# АМИР ТЕМУР ҲАЙКАЛИ ПОЙИГА ГУЛЧАМБАР ҚЎЙИЛДИ




**Пойтахтимиздаги Амир Темур хиёбонида Соҳибқирон таваллудининг 688 йиллиги муносабати билан маросим бўлиб ўтди. Унда Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари, хусусан, “Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi” ДМ, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида назорат қилиш инспекцияси, Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий-тадқиқот институти, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш Республика маркази масъуллари иштирок этиб, Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбар қўйишди.**

Соҳибқироннинг бунёдкорлик ва ободлик соҳасидаги тарихий хизматлари беқиёс. Унинг “Қай бир жойдан бир ғишт олсам, ўрнига ўн ғишт қўйдирдим, бир дарахт кестирсам, ўрнига ўнта кўчат эктирдим”, деган сўзлари бунга далилдир. Амир Темур ҳар бир зафарли воқеа ва ҳодисани муҳташам меъморлик обидаси барпо этиш билан нишонлашни одат қилган. Шу мақсадда Ҳиндистон, Шероз, Исфахон ва Дамашқнинг машҳур уста ҳунармандлари мамлакатда ҳашамдор иморату иншоотлар бино қилганлар.

Амир Темурнинг жасорати, иродаси, мамлакатни ақл-заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этиш тажрибаси давлат хизматида фаолият юритиб келаётган ёш кадрлар учун юксак намунадир. Шу маънода, бу тадбир буюк аждодларимиз амалга оширган ишларни ёдга олиш, юксак ифтихорни туйишда муҳим аҳамият касб этади.

Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги ва унинг тизим ташкилотлари ходимлари учун Темурийлар тарихи давлат музейида маънавий-маърифий тадбир ҳам бўлиб ўтди. Очиқ мулоқот тарзида кечган тадбирда иштирокчилар Амир Темур ҳаёти ва фаолиятига оид ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олишиб, музей экспозиция ҳамда кўргазма залларида намойиш этилган экспонатлар билан яқиндан танишдилар.

# “БИР БОЛАГА БИР ДАРАХТ” ТАШАББУСИ
## қизғин давом этмоқда



**Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан илгари сурилаётган “Бир болага бир дарахт” эзгу ташаббуси асосида юртимизнинг барча ҳудудларида оммавий кўчат экиш тадбирлари давом этмоқда. Аҳамиятли томони, мазкур жараён халқимиз томонидан ҳам илиқ қабул қилиниб, кўчат экиш тадбирларида ёш-у қари бирдек фаоллик кўрсатмоқда.**

Хусусан, Тошкент шаҳрининг Сергели туманида ҳам 16 та БСК ишчи-ходимлари иштирокида бу тадбир қизғин тус олди. Шунингдек, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида ҳам бу тадбир қизғин паллада. Туманда фаолият юритувчи 15 та БСК томонидан бир куннинг ўзида 500 тупдан ортиқ дарахт кўчатлари экилди. Тумандаги “Астробод” МФЙдаги 44 та кўп қаватли турар жойга қаровчи “Мирюнус” БСК ходимлари ҳам Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги масъуллари қатори кўчат ўтқазиш жараёнида фаол иштирок этишди. Мазкур хайрия ҳашарида “Ўзшаҳарсозлик ЛИТИ” ДМ бош лойиҳа институти ходимлари ҳам фаоллик кўрсатишди.

Ҳудудлар яшиллигини сақлаш, кўп квартирали уйлар атрофини кўкаламзорлаштириш, аҳоли айниқса, болаларнинг она табиатга бўлган меҳрини уйғотишга қаратилган ушбу тадбир мамлакатимизнинг барча ҳудудларида давом этмоқда. Хусусан, Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри А. Темур номидаги МФЙда ҳам Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан илгари сурилаётган “Бир болага бир дарахт” шиори остидаги ташаббус доирасида мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди.

Шунингдек, кўчат экиш тадбирлари Самарқанд вилоятининг қатор ҳудудларида ҳам қизғин ташкил этилди. Хусусан, Самарқанд шаҳридаги “Самарқанд Олтин аср” МЧЖ профессионал бошқарув сервис ташкилоти томонидан “Боғдод”, “Али қушчи”, “Гуллар боғи”, “Орзу”, Беруний, “Адолат”, “Олтин аср” каби бир қатор маҳаллалардаги кўп қаватли уй-жойлар атрофига мевали, манзарали ва бутасимон дарахтлар ҳамда гул кўчатлари экилди.

Бу ташаббус Хоразм вилоятида ҳам жадаллик билан амалга оширилмоқда. Яқинда фаолиятини бошлаган “Хоразм шинам уйлар” БСК томонидан 300 тупдан ортиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари экилди. Шу билан бирга, “Яшил макон” умуммиллий тадбирлари доирасида Андижон шаҳрида фаолият юритувчи “Шинам маҳалла” БСК томонидан 3 000 туп мевали ва манзарали кўчатлар экилди. Хайрли тадбир Қашқадарё вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ташаббуси билан Қарши шаҳридаги “Шўртангаз” МФЙнинг 7 та кичик тумани ҳудудида жойлашган “Шўртангазчилар плюс” ҳамда “Якубов бошқарув сервис компанияси” МСЖларга қарашли кўп қаватли уйлар олдига мевали ва манзарали кўчатлар ўтқазилди.

Бундан ташқари, лойиҳа доирасида Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ходимлари томонидан Оҳангарон тумани ҳудудидаги 2 гектар ер майдонига 10 000 дан ортиқ кўчат экиш ишлари амалга оширилди. Хусусан, Олмалиқ шаҳрида кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи БСК ходимлари томонидан уйлар атрофида “БСК боғи” ташкил этилди. Мазкур боғларга мевали, манзарали кўчатлар ўтқазиляпти. Ҳозирга қадар Олмалиқ туманида кўп қаватли уйлар атрофига 700 дан ортиқ кўчат экилган бўлиб, лойиҳа доирасида яна 200 га яқин дарахт кўчатини экиш режалаштирилган. Қорақалпоғистон Республикасида ҳам “Бир болага бир дарахт” ташаббуси билан кўчат экиш ишлари жадал олиб борилмоқда. “Нукус коммунал сервис” БСК томонидан кўп квартирали уй-жойлар атрофига 1000 дан ошиқ мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилди. Наманганда ҳам атрофни обод қилишга қатъий киришилган. Хусусан, Давлатобод тумани аҳли ва бошқарув сервис компаниялари ходимлари ҳудуддаги маҳаллаларда 500 тадан ортиқ маназарали дарахт кўчатларини экишди.

МУЛОҲАЗА

# Йўл соҳасининг ривожи – давр талаби

**Алижон БОЙЛАРОВ,** “Автомобиль йўллари техник ҳолати таҳлили ва ҳаракат хавфсизлиги маркази” давлат муассасаси мутахассиси.

**Ҳозирги кунда халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш вилоят кесимидаги ҳудудий бирликлар, яъни ТЙФДМ (“Туман йўллардан фойдаланиш” давлат муассасаси) ва улар таркибидаги йўл бўлимлари томонидан амалга оширилмоқда. Бу амалиётга ўтилганига қарийб 30 йилдан кўп бўлди. Дастлабки даврларда республика Йўлчилар кенгашининг бир қатор қарорлари ва кўрсатмалари билан йўл бўлимларининг мақоми белгиланиб, уларнинг автомобиль йўлларига хизмат кўрсатишдаги ўрни ҳамда даражаси ошириб борилди.**

Бунинг натижасида ватанимиз мустақилликка эга бўлган дастлабки кунларда йўл ишларини маблағлаштириш юзасидан пайдо бўлган узилишларга қарамасдан мавжуд йўл тармоғи нафақат сақлаб қолинди, балки тараққий топди. 1993 йилда Республика йўл жамғармаси ташкил этилгандан сўнг мавжуд машина механизмлар ва техника воситаларини ёқилғи мойлаш маҳсулотлари билан узлуксиз таъминлаш имкониятлари пайдо бўлди. Ишчи-хизматчиларга ойлик маош ўрнига ун, ёғ ва бошқа зарур маҳсулотлар тарқатиларди. Қийинчиликларга қарамай фидойи ходимлар ўз хизматларида давом этишди. Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида яхши натижаларга эришилди. Энг муҳими, йўлсозлар халқни рози қилишга жиддий бел боғлашди.

Мазкур ишларни амалга оширишда йўл бўлимларининг хизмати беқиёс бўлди. Чунки бутун соҳа йўл бўлимлари учун хизмат қилар, уларнинг йўл қурилиш ва ёқилғи мойлаш маҳсулотларига бўлган талаби тўлиқ қондирилар эди. Бўлимлар ўз навбатида қарамоғидаги автомобиль йўлларини йил давомида сифатли сақлаш билан бирга камида 20-30 фоиз қисмини таъмирлашга эришардилар. Мамлакат иқтисодиётида кўзга кўринарли тараққиёт белгилари намоён бўлган ўтган асрнинг охирги йилларида автомобиль йўлларидан фойдаланишда барқарор самарали тизим яратилиб, А-373 “Тошкент – Ўш” автомобиль йўлининг Қамчиқ довонидан ўтган қисми тоннеллар қурилган ҳолда қайта реконструкция қилинди. Бу ўша давр учун улкан ғалаба эди.

Бироқ, 2004 йилдан бошлаб автомобиль йўлларидан фойдаланиш тизимида бир қатор хато ва камчиликлар кузатилди. Хусусан, мустақил юридик шахс сифатида шакллантирилишига имкон яратилмаганлиги, моддий-техника базасини ривожлантиришга аҳамият берилмай қўйилганлиги, машина механизмларидан, ҳаттоки ишчи кучларидан пудрат ишларида фойдаланиш одатий ҳолга айланганлиги, бўлимлар томонидан қарамоғидаги автомобиль йўлларидан фойдаланиш учун зарур бўлган, лекин режалаштирилмаган ишларни қўшимча бажариш жиноят сифатида қаралиб, мутахассислар жазоланганлиги шулар жумласидандир.

Айтиш керакки, ҳозирги кунда йўл бўлимлари захирадаги фавқулодда вазиятларда фойдаланиладиган армияга ўхшаб қолган. Мунтазам фаолият кўрсатишга, моддий-техникасидан самарали фойдаланишга етарли ресурс йўқ. Юқорида келтирилган муаммоларни Ўзбекистон Республикасининг “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги Қонуни доирасида ҳал қилишга жиддий эътибор қаратиш лозим.

Бугунги кунда собиқ иттифоқ давридан қолган халқаро ва давлат аҳамиятидаги автомобиль йўллари рўйхатини танқидий таҳлил қилганда, уларнинг аксарияти аллақачон эгаллаб турган мақомини йўқотганлигини кўриш мумкин. Мисол учун, Навоий вилоятидаги 4-Р60, 4-Р57, 4-Р180 ва шунга ўхшаш 2000 километрга яқин йўллар аслида маҳаллий аҳамиятга молик йўллардир. Шунингдек, вилоятдаги А-379 “Навоий – Учқудуқ”, Самарқанд ва Қашқадарё вилоятларини боғловчи А-378 “Самарқанд – Қарши” халқаро йўлларига эса давлат аҳамиятидаги йўл сифатида қаралса, тўғрироқ бўлар эди.

Бундай мисолларни бошқа вилоятларда ҳам кўплаб келтириш мумкин. Бу каби номутаносибликлар эвазига йўл инфратузилмасининг асосий артерияларини ривожлантириш ва улардан фойдаланишда сунъий қийинчиликлар юзага келмоқда. Бунга сабаб қилиб эса маблағ етишмаслиги ва бошқа омиллар рўкач қилинмоқда.

Умуман олганда, бугунги кундаги 42 700 километрга яқин умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларининг қарийб 30 000 километрини маҳаллий давлат идоралари ихтиёрига бериб, соҳага хусусий секторни кенг жалб қилиш вақти келди. Биринчи навбатда, автомобиль йўлларини стратегик нуқтаи назардан қайта таснифлаш, умумдавлат ва маҳаллий давлат бошқаруви органларининг муайян секторлардаги бошқарувини такомиллаштириш зарур. Қолаверса, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларидан фойдаланишни ташкил этиш ва диверсификация қилиш лозим.

Демак, йўл соҳаси анча йиллик оғриқли нуқтамиз эканини ҳисобга олсак, бу соҳа ислоҳга муҳтож. Буни қанча тез амалга оширсак, шунча яхши.

# Уч ойда 75 та маҳалла обод манзилга айланди

**Абдусами ҲАҚБЕРДИЕВ,** “O‘zbekiston bunyodkori”мухбири.

**Давлат раҳбарининг ўтган йилдаги яна бир ташаббуси маҳаллалар ва қишлоқларни янада ободонлаштириш ҳамда фаровон гўшаларга айлантиришга хизмат қилмоқда. Бу ташаббус доирасида Сурхондарё вилоятидаги энг чекка қишлоқлар ҳам гўзал манзилларга айланяпти. Дастлабки тажриба тариқасида “Обод хонадон, обод кўча, обод маҳалла” мезонлари доирасида тўртта маҳаллада катта ҳажмдаги қурилиш ва бунёдкорлик ишлари амалга оширилгани кутилган натижа берди.**

Дастлаб вилоят ҳокимлигида турли соҳа мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузилди. Ишчи гуруҳи аҳолини қийнаётган муаммоларни ўргангач, ҳар бир ҳудуд учун алоҳида “Йўл харитаси” тайёрланиб, уни тез ва сифатли бажаришга масъул этиб туман-шаҳар секторлар раҳбарлари белгиланди. Шундан сўнг, тажриба давом эттирилиб, жорий йил бошидан энг оғир ҳудуд, дея кўрсатилган 75 та маҳалладаги 25 мингта хонадондаги мавжуд 6 мингдан ортиқ муаммо аниқлангач, қурилиш ва ободонлаштириш ишларига киришилди.

Халқимизда ободлик – остонадан бошланади, деб бежизга айтмаган. Фуқароларнинг аҳил-иноқлиги мана шу тадбирда яна бир бор яққол намоён бўлди. Масъул корхоналар қаторида кенг жамоатчилик ва ҳомийлар сидқидилдан ҳаракат қилиб, салмоқли ишларни бажаргани режаларни муддатида уддалашга имкон берди. Масалан, вилоят марказидан анча олисда жойлашган Олтинсой туманининг энг оғир ҳудудларидан бири, тоғли Тўхтамиш маҳалласидаги яроқсиз ҳолдаги қишлоқ врачлик пункти ўн кун ичида қайта реконструкция қилиниб, беморларга бирламчи хизмат кўрсатадиган шароитлар яратилди. Шунингдек, маҳаллага қарашли ички йўлларга асфальт ётқизилди, атрофига манзарали дарахт кўчатлари ўтқазилиб, ижтимоий соҳа объектлари қаторида боқувчисини йўқотган уч нафар кишининг уйи сифатли қилиб таъмирлаб берилди.

Денов, Сариосиё, Бандихон, Бойсун каби туманларнинг энг чекка ҳудудларида жойлашган ўнлаб маҳалла ҳамда қишлоқлардаги ҳудуд, таъмирталаб мактаблар, кичкинтойлар масканлари, йўллар тартибга келтирилди, истиқболли мезон шарофати билан ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишига мўлжалланган спорт майдонлари ва бошқа иншоотлар қурилди.

Эътиборга молик жиҳат шуки, ўтган уч ой оралиғида ишчи гуруҳнинг рўйхатига киритилган 9 мингдан ортиқ уй-жой сифатли таъмирланди. 604 та кўчада 64 километр масофага асфальт ётқизилиб, 653 километрга тош-шағал тўшалгач, бетонлаштирилди. Булардан ташқари, қишлоқларни бир-бирига боғловчи 5 та кўприк ва 2 минг квадрат метр пиёдалар йўлаги барпо этилди. 82 километр масофага ичимлик суви тармоғи тортилгани ва 19 та сув иншооти ўрнатилгани 20 та қишлоқ аҳолисининг бу борадаги муаммосига барҳам берди. 149 километр масофага электр тармоғи тортилиб, 68 та энергиятежамкор трансформатор ўрнатилгани эса бундан кейин ушбу манбада узилишлар бўлмаслигини таъминлайди. Қисқа давр оралиғида қишлоқ ва маҳаллаларда замон талабига мос 57 та ижтимоий объект қурилиб, фойдаланишга топширилди ва 65 таси таъмирдан чиқарилди.

Маълумотларга кўра, жорий йил охиригача вилоят кесимида янгиланмаган бирорта қишлоқ ёки маҳалла қолмаслиги учун ҳаракатлар бошлаб юборилган. Бунинг учун ишчи кучи ва техникалар етарли. Муҳими, шижоатли сурхондарёликлар ҳамиша ва ҳар ишда айтганини уддасидан чиққан.

# Замонавий мактаблар фойдаланишга топширилди





**Зиё СИРОЖ,** “O‘zbekiston bunyodkori” мухбири.

**Андижон вилоятида иккита мактаб биноси янгидан қурилиб фойдаланишга топширилди. Бу нафақат ўқувчиларнинг, балки бутун қишлоқ аҳолисининг қувончига сабаб бўлди.**

– Маҳалламиздаги мактаб биноси юртимиз мустақиллигидан бир неча йиллар аввал барпо этилгани боис, анча эскириб қолганди, – деди Марҳамат туманидаги Увайсий маҳалласида яшовчи Ойжамол Айсарова. – Ўғил-қизларимиз энди замонавий мактабда таҳсил оладиган бўлдилар. Бу ердаги мавжуд шароитларни кўриб, ўзим ҳам мактабда ўқигим келяпти. 300 ўринли 30-умумий ўрта таълим мактабининг янги биноси учун давлат бюджетидан 4 млрд 300 млн сўм маблағ сарфланди.

Шунингдек, Пахтаобод туманидаги Гузар маҳалласида қуриб битказилган мактабнинг фойдаланишга топширилиши ҳақиқий байрам тадбирига айланиб кетди. Сабаби, 10-умумтаълим мактаби 450 ўринли қўшимча ўқув биносининг қуриб, фойдаланишга топширилиши ва мавжуд бинонинг қайта таъмирланиши натижасида 624 ўринга эга бўлди.

– Мавжуд мактаб биноси бундан 50-60 йил муқаддам барпо этилган эди, – деди ушбу маҳаллада яшовчи меҳнат фахрийси Абдулвосит ака Абдуллаев. – У пайтлар ўқувчилар сони оз эди. Шу боис муаммо бўлмаган. Бугунги кунга келиб аҳоли сонининг ортиши янги ўқув биносига бўлган талабни юзага келтирди.

Ўқувчиларнинг замонавий шароитда пухта таълим олишларига хизмат қилувчи ушбу бинолар ўзининг ташқи кўриниши билан маҳаллага ҳам кўрк бағишламоқда.

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель



◀ 1-бет



# МЕГА ЛОЙИҲА ХАЛҚИМИЗГА 300-400 йил хизмат қилиши керак



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УНИВЕРСИТЕТИ ЛОЙИҲАСИ.



МИЛЛИЙ КУТУБХОНА ЛОЙИҲАСИ.



МИЛЛИЙ ТЕАТР ЛОЙИҲАСИ.

Шаҳарда мазкур университет учун ҳам замонавий кампус қурилади. Хусусан, бу ерда 10 минг талабага мўлжалланган ўқув бинолари, 1 минг 150 ўринли ошхона, кутубхона ва ихчам музей, спорт мажмуаси, олимпия сузиш ҳавзаси барпо этилади. Шунингдек, талабалар учун 2 минг ўринли ётоқхона, профессор-ўқитувчиларга 286 ўринли турар жой қуриб берилади.

Навбатдаги лойиҳа – Ўзбекистон Миллий кутубхонаси учун янги мажмуа. Бу ерда кутубхона фондида сақланаётган 10 миллиондан ортиқ адабиётни муносиб сақлаш ва бир пайтнинг ўзида 1 минг 420 нафар китобхонга сифатли хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилади. Унинг умумий майдони 30 минг метр квадратни ташкил қилади.

Театр санъати халқ маънавияти, ёшлар тарбияси билан чамбарчас боғлиқ. Шу боис, Янги Тошкентда халқаро талаблар асосида Миллий театрнинг муҳташам биноси барпо этилади. Унда санъаткорлар учун ҳам, томошабинлар учун ҳам ҳар жиҳатдан қулай шароит яратилади. Келгусида у юртимиздаги барча театрлар учун ўзига хос ижодий лаборатория вазифасини бажаради.

Шаҳарда Алишер Навоий номидаги халқаро илмий-тадқиқот маркази, ижод мактаби, Адабиёт музейи ва Миллий мақом марказини жамлаган ўзига хос маънавият мажмуаси ҳам қад ростлайди.

Давлатимиз раҳбари бу мажмуаларнинг имкониятлари ва аҳамиятига тўхталиб ўтди.

– **Бугун пойдевори қўйилаётган масканлар кўп йиллар халқимиз маънавиятини бойитиш, ёшларимизни ҳар томонлама етук ва баркамол инсонлар этиб тарбиялашга хизмат қилади. Янги Тошкент шаҳрининг нафақат юртимиз, балки минтақамизда ҳам чинакам илм-маърифат ва маданият марказига айланишига катта ҳисса қўшади, деб ишонаман**, – деди Шавкат Мирзиёев.

> **Лойиҳанинг биринчи босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, 30 та мактаб, 20 та болалар боғчаси, кўп тармоқли шифохона ва 5 та оилавий поликлиника барпо этилади. Давлат идоралари, "Янги Ўзбекистон" университети, Миллий кутутбхонанинг янги бинолари, театр ва ижод мактаблари, савдо ва сервис марказлари шу ерда жойлашади. Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳи қурилади. Автомобилларнинг қатнови учун 14 та замонавий тунель ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади.**

Тадбир сўнгида Президентимиз рамзий тугмани босиб, бинолар қурилишини бошлаб берди.

"Янги Тошкент" лойиҳаси одамларнинг яшаш шароитлари, иқтисодий ривожланиши, кайфияти ва маданиятига катта таъсир кўрсатадиган пухта ўйланган урбанизация сиёсатининг яққол намунаси, дейиш мумкин.

Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб бошлаган "Янги Тошкент" инновацион лойиҳаси нафақат пойтахт, балки мамлакатимиз тарихида янги саҳифа очади.

– **32 йил Ўзбекистон тарихида биринчи марта биз намунавий, жаҳон стандартларига мос лойиҳа қиляпмиз. Бу 300-400 йилга қолиши керак, бизнинг набираларимиз, эвараларимиз, биздан кейинги авлодга ҳам хизмат қилиши керак**, – деганди давлат раҳбари.

"Янги Тошкент" шаҳри мега лойиҳасини амалга ошириш учун Тошкент вилоятининг шарқий қисми Чирчиқ ва Қорасув дарёлари орасида жойлашган Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан қарийб 20 минг гектар ер ажратилди. Бу ҳақдаги қарор куни кеча маъқулланди. Демак, лойиҳа реализацияси йўлида жиддий амалий ҳаракатлар бошланди. Эслатиб ўтиш керакки, биринчи босқичда 2,5 минг гектарда 100 минг кишилик уй-жойлар ва инфратузилма объектлари қурилиши режалаштирилган. Хўш, Президент ташаббуси билан барпо этилаётган "Янги Тошкент" шаҳри қандай бўлади? Бу савол ҳозирда кўпчиликни қизиқтираётган бўлиши табиий.

Мамлакатимиз демографик жиҳатдан йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бу, ўз навбатида, иқтисодиётга импульс берадиган, аҳолини бандлиги, энг асосийси, халқни уй-жойли қиладиган мега лойиҳаларга талабни оширмоқда. Бугун бундай лойиҳаларга юртдошларимиз реал ҳаётида гувоҳ бўлиб, уларнинг самарасини сезмоқда.

Хўш, 2200 йилдан зиёд тарихга эга азим Тошкентнинг янги қиёфаси қандай бўлади? "Янги Тошкент" лойиҳаси бунга жавоб бўлади. Бу – 1 миллион аҳоли яшайдиган массив, 420 гектар майдонда марказий боғ, умумий 20 минг гектарда қад ростлайдиган келажак шаҳар. Шаҳар лойиҳаси ҳар томонлама пухта ўйланган, етти ўлчаб бир кесилган шаҳарсозлик архитектураси намунаси бўлиб, унда инфратузилма ҳам жаҳон талаблари даражасида кўзда тутилган. Хўш, бу лойиҳанинг биз билмаган ўзига хосликлари нимада?

– "Янги Тошкент" лойиҳасининг бошқаларидан ажралиб турадиган жиҳатлари биринчи навбатда, экологик, аҳоли учун жуда қулай бўлган, келажак шаҳри бўлади. – деди "Янги Тошкент" дирекцияси департамент бошлиғи Саидазим Шарипов. – Бир сўз билан айтганда, 20 минг гектарга яқин ҳудудда жойлашган ҳамма замонавий технологияларни ўзида жамлаган шаҳар бўлади. Бунда 15 дақиқалик шаҳар тамойилини қўллаган ҳолда аҳолига хизмат кўрсатувчи ижтимоий соҳа объектлари бир ерда жойлашади. Асосан маъмурий бинолардан ташкил топган лойиҳанинг биринчи қисми соғлиқни сақлаш, таълим, университетларга йўналтирилган, ишлаб чиқариш ва бизнесга йўналтирилган бошқа босқичлари ҳам барпо этилади. Ҳозирги кунда биз биринчи босқични амалга оширмоқдамиз. "Янги Тошкент" шаҳрида инсонларнинг эҳтёжлари учун зарур бўладиган инфратузилмалар, яъни йўллар, пиёда ва автомобиль ҳамда вело йўллари тўғри тақсимланган ҳолда ташкил этилади. Шаҳар маркази автомобиллардан ҳоли ва ҳар бир маҳаллага тезюрар жамоат транспортида етиб бориш имконини яратадиган лойиҳалар асосида барпо этилади. Шаҳарнинг янги шаҳар бўлишида ҳам асосий омил – бу инфратузилма. Уларнинг асосий қисми ер остида жойлашган бўлиб, у ерда ҳаттоки, автомобилларнинг ҳаракатини ҳам ташкиллаштиришни режа қилганмиз. Яъни, бир блокдан иккинчи блокка ҳам ўтиш имконияти яратилади. Бу билан биз ер устидаги ҳаракатни камайтирган ҳолда инсонлар учун қулай шароитни ер устида яратишни мақсад қилганмиз. Коммуникация тармоқлари билан автомобиль тураргоҳларига кириш ҳам ер ости орқали амалга оширилади.

"Янги Тошкент" мувофиқлик сертификатига эга экологик шаҳар бўлиши режалаштирилмоқда. Бунда янги бинолар заҳарли углерод чиқиндиларни атмосферага чиқармайди. Энергия истеъмолининг 30 фоизи муқобил манбалардан олинади. Мазкур лойиҳадан асосий кутилаётган натижа – ушбу шаҳарнинг экологик ва аҳолига қулай бўлиши. Яшиллик қопланган бўлиши эса иқлимимиз, яъни иссиқ ёз фаслига жуда мос келиши табиий. Бу ерда каналлар барпо этилишидан асосий мақсад ёзнинг иссиқ палласида ҳаво ҳароратини мўътадиллаштириб туриш имконини беради.

Лойиҳа шамол йўналиши нуқтаи назаридан жуда ҳам оптимал жойда жойлашган. Тоғлардан келадиган тоза ҳаво оқимига қулай жой. Шаҳарсозликда ҳам ушбу жиҳатларни эътиборга олган ҳолда, ҳаво оқимини тўсиб қўймайдиган даражада лойиҳалаштирилмоқда. Кўчалар ҳам велосипед ва пиёдалар йўлакларига сояларни ташкил этишга қаратилган ҳолда лойиҳага киритилмоқда. "Янги Тошкент"да асосан яшилликка катта эътибор қаратилиб, шаҳарнинг 5800 гектари, яъни умумий ҳудуднинг 29 фоизи яшил зонага берилади.

Яна бир муҳим томони – бу лойиҳани амалга оширишда замонавий урбанизация ёндашувлари асосида "ақлли" технологиялар қўлланилади. Масалан, экологик транспорт тизими ташкил этилади. Метро ва электробуслар уйғунликда ҳаракатланади. "Яшил ва хавфсиз шаҳар" тамойили асосида, пиёдалар ва велосипедчиларнинг эркин ҳаракатланиши учун қулай шароит яратилади.

> **"Янги Тошкент" мувофиқлик сертификатига эга экологик шаҳар бўлиши режалаштирилмоқда. Бунда янги бинолар заҳарли углерод чиқиндиларни атмосферага чиқармайди. Энергия истеъмолининг 30 фоизи муқобил манбалардан олинади. Мазкур лойиҳадан асосий кутилаётган натижа – ушбу шаҳарнинг экологик ва аҳолига қулай бўлиши. Яшиллик қопланган бўлиши эса иқлимимиз, яъни иссиқ ёз фаслига жуда мос келиши табиий. Бу ерда каналлар барпо этилишидан асосий мақсад ёзнинг иссиқ палласида ҳаво ҳароратини мўътадиллаштириб туриш имконини беради.**

"Янги Тошкент" лойиҳасида иштирок этаётган хорижий компания ижрочи директори Хаккан Акча лойиҳанинг аҳамияти ҳақида маълумот бериб, шундай дейди:

– Бу мисли кўрилмаган даражада қуриладиган шаҳар ўз бағрига 2 миллион аҳолини сиғдиради. Бунинг учун архитекторлар, муҳандислар, иқтисодчилардан иборат катта жамоа ишни бошлади. Янги шаҳарнинг қурилиши нафақат Тошкент иқтисодини ўстиради, балки аҳолининг ҳаёт тарзини янги даражага кўтаради. Шаҳар шубҳасиз, келажак авлод учун мўлжалланиб, уни 2040 йилгача қуриб тугатиш режалаштирилган. Ҳозир шаҳардаги мавжуд имкониятларни инобатга олиб, лойиҳамизда уларни энг замонавий усуллар билан дизайн қиляпмиз. Шаҳар икки қисм, яъни ташқи ва ички қисмдан иборат бўлади. Лойиҳани амалга ошириш аҳоли турар жойларидан бошланиб, параллель равишда шаҳар инфратузилмаси ҳам бунёд этилади.

Лойиҳанинг биринчи босқичида 60 минг аҳолига мўлжалланган кўп қаватли уйлар, 30 та мактаб, 20 та болалар боғчаси, кўп тармоқли шифохона ва 5 та оилавий поликлиника барпо этилади. Давлат идоралари, "Янги Ўзбекистон" университети, Миллий кутутбхонанинг янги бинолари, театр ва ижод мактаблари, савдо ва сервис марказлари шу ерда жойлашади. Шу мақсадда 100 минг автомобиль учун ер ости тураргоҳи қурилади. Автомобиллар қатнови учун 14 та замонавий тунель ҳамда Чирчиқ ва Қорасув дарёлари устида 7 та кўприк бунёд этилади. Бунда Европа ва бошқа мамлакатларнинг архитектурасидан андоза сифатида фойдаланилади. Бу кичик шаҳарлаштириш ёки шунчаки ривожлантириш лойиҳаси эмас. У кўплаб соҳаларни қамраб олувчи янги аср, десак муболаға бўлмайди. Бир сўз билан айтганда, жаҳон андозаларига мос ва халқнинг фаровон турмуш тарзини таъминлайдиган шаҳар бўлади.

Миллийлик ва замонавийлик туташган маскан. Бу "Янги Тошкент" лойиҳасининг яна бир муҳим асоси. Бошқача айтганда, инфратузилма нафақат инсонларнинг қулай ҳаёт кечириши, балки қадриятларга асосланиб бир-бири билан қўни-қўшни, улфат бўлиб умргузаронлик қилишига шароит яратади.

– "Янги Тошкент" – тарихий, қолаверса, қадриятларимизга мос шаҳар бўлади, – деди Тошкент давлат транспорт университети доценти Абдуқаҳҳор Тўлаганов. – Энг асосийси, бу шаҳар яшил шаҳарга айланади. Бу орзулар шаҳри бўлади. Насиб қилса, шаҳар 100 йиллаб халқимизга, ўсиб келаётган фарзандларимизга хизмат қилади. Инсонларнинг руҳини кўтаради, яшаш учун интилиш беради.

Янги шаҳарда инновацион технологияларга асосланган юқори даромадли 200 мингта янги иш ўрни яратилади. Бунинг учун янги технопарклар, IT-парк, таълим ва тиббиёт класстерлари ташкил этилади.

Халқимизда "кўчат эк, боғ ярат" деган нақл бор. Бир кун келиб кўчатлар униб ўсади, чиройли манзара ҳосил қилади. Гўзал манзара кишилар дилини яйратиб, кўзларини қувонтиради. Энг асосийси, ҳавонинг софлиги таъминланади. Давлатимиз раҳбарининг ташаббуси билан "Яшил макон" умуммиллий лойиҳаси доирасида мамлакатимиздаги яшил майдонларни кўпайтириш айни мақсадларни назарда тутади. Республикамизда эко тизимни ҳимоя қилиш ва кўкаламзорлаштириш ишларини жадаллаштириш, яшил майдонларни кенгайтириш борасидаги мазкур ишлар табиат ҳимояси йўлида муҳим қадам бўлди. Юртбошимиз бошлаган хайрли ташаббус "Янги Тошкент" шаҳрини қуриш дирекцияси ходимлари томонидан давом эттирилди. "Янги Тошкент" лойиҳаси амалга оширилаётган асосий йўл ёқаларига терак, арча сингари юзлаб манзарали дарахтлар экилмоқда. Маълумот ўрнида таъкидлаш жоиз, "Янги Тошкент" чинакам экологик шаҳар бўлади. Тошкентнинг яшил белбоғи лойиҳаси айнан шу ердан бошланади.

Ҳа, Янги Тошкент ҳақиқатан Ўзбекистон тарихида янги саҳифа очади. Бу юртдошларимиз кутган мега лойиҳа мутлақо хавфсиз, замонавий ҳамда барча қулайликларни ўзида жамлаган яшил эко шаҳар бўлади. Шавкат Мирзиёев Президентлик лавозимига киришган пайтда пойтахт туманлари 11 та эди. Нисбатан қисқа фурсатда улар яна биттага кўпайди ва 2020 йилда мутлақо янги Янгиҳаёт тумани ташкил этилди. Энди эса Тошкентнинг 13-тумани яратилмоқда. "Янги Тошкент" мамлакатимизнинг энг мафтункор ва жозибадор маскани бўлишига шак-шубҳа йўқ.




Низомий номидаги Тошкент давлат педогогика университети лойиҳаси

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель








## Jonajon yurtimiz ahliga

# RAMAZON HAYITI

## qutlug' bo'lsin!

**Go'zal yurtimizga yarashgan bayramlarning davomi bo'lmish ushbu ayyom hammaga omad, baxt va salomatlik olib kelsin!**

## "SHAHARSOZLIK HUJJATLARINI EKSPERTIZA QILISH RESPUBLIKA MARKAZI" DM

va uning hududiy filiallari jamoalari

O‘ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель













SAMARQAND VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI
SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH
INSPEKSIYASI
Qadrli yurtdoshlarimizga
Ramazon hayiti
muborak bo'lsin!


TOSHKENT SHAHAR
QURILISH VA UY-JOY KOMMUNAL XO'JALIGI
SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT QILISH
INSPEKSIYASI
Bahor bilan hamnafas kirib kelgan Ramazon shukuhi
yil bo'yi qalblarimizni tark etmasin.
Ramazon hayiti
barcha yurtdoshlarimizga muborak bo'lsin!
Qutlug' kunlarda qilingan duolar ijobat bo'lsin.
Yurtimiz tinch, xonadonlarimiz
obod bo'lsin.


SURXONDARYO
VILOYATI
QURILISH VA UY-JOY
KOMMUNAL XO'JALIGI
SOHASIDA HUDUDIY NAZORAT
QILISH INSPEKSIYASI
Alloh qalbimizga iymon quvvatini,
go'zal va xayrli duolar ijobatini,
Ramazonning xayru barakasini nasib etsin.
Oilalarimizdan tinchlik-totuvlik,
hamjihatlik arimasin.
Jonajon xalqimizga
Ramazon hayiti
muborak bo'lsin!


"SXF SAMARQAND
CITY STROY" MCHJ QK
Jonajon yurtimiz ahliga
RAMAZON HAYITI
muborak bo'lsin.
Ko'ngillardagi barcha ezgu niyatlar
ijobat bo'lib, Allooh hech biringizdan
marhamatini ayamasin.
Yurtimizdan tinchlik, xonadonlarimizdan
esa qut-baraka arimasin!


O'ZBEKISTON
BUNYODKORI
Barcha musulmon ahliga
Ramazon hayiti muborak bo'lsin!

O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА
№31-32 (784-785) 2024 йил 10 апрель

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD TASHKREDIT” МЧЖнинг 2024 йил 5 апрелдаги 58-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Яшнобод туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 18 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Яшнобод тумани, Авиасозлар кўчаси, 1-уй, 115-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 7502 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 10,43 гр., ч.в. 10,40 гр., 585 пр. | 4 683 910,72 |
| 2. | 8073 | Браслет 1 шт., кольца 2 шт., серьги 1 пара, о.в. 39,32 гр., ч.в. 36,80 гр., 585 пр. | 14 786 868,00 |
| 3. | 8095 | Серьги 1 пара, о.в. 1,57 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. | 635 960,00 |
| 4. | 8104 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 3,66 гр., ч.в. 3,46 гр., 585 пр. | 1 828 083,20 |
| 5. | 8290 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,52 гр., ч.в. 1,52 гр., 585 пр. | 757 067,08 |
| 6. | 8395 | Серьги 1 пара, о.в. 1,35 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. | 697 610,40 |
| 7. | 8582 | Кольца 2 шт., кулон 1 шт. с дефектом, о.в. 8,20 гр., ч.в. 6,70 гр., 585 пр. | 3 388 210,00 |
| 8. | 8589 | Браслет 1 шт., о.в. 2,07 гр., ч.в. 2,07 гр., 585 пр. | 1 068 664,20 |
| 9. | 8818 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 3,88 гр., ч.в. 3,60 гр., 585 пр. | 823 351,36 |
| 10. | 8827 | Подвеска 1 шт., браслет 1 шт., о.в. 4,90 гр., ч.в. 4,90 гр., 585 пр. | 1 928 760,00 |
| 11. | 8829 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,31 гр., ч.в. 4,20 гр., 585 пр. | 2 146 968,48 |
| 12. | 8835 | Браслет 1 шт., о.в. 9,14 гр., ч.в. 9,14 гр., 585 пр. | 4 855 990,48 |
| 13. | 8842 | Серьги 1 пара, о.в. 4,68 гр., ч.в. 4,00 гр., 585 пр. | 1 941 324,40 |
| 14. | 8929 | Кольца 2 шт., серьги 1 пара, цепь 1 шт., о.в. 10,48 гр., ч.в. 8,88 гр., 585 пр. | 4 539 197,92 |
| 15. | 9061 | Серьги 1 пара, о.в. 2,32 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 011 680,00 |
| 16. | 9068 | Кольца 3 шт. с дефектом, о.в. 5,20 гр., ч.в. 4,70 гр., 585 пр. | 2 480 725,00 |
| 17. | 9271 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,17 гр., ч.в. 3,90 гр., 585 пр. | 1 644 893,44 |
| 18. | 9289 | Кольцо и серьги 1 комп., кольцо 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 12,35 гр., ч.в. 10,95 гр., 585 пр. | 4 861 743,44 |
| 19. | 9416 | Серьги 1 пара, о.в. 2,06 гр., ч.в. 2,06 гр., 585 пр. | 1 005 199,84 |
| 20. | 9500 | Серьги 1 пара, о.в. 4,79 гр., ч.в. 4,79 гр., 585 пр. | 2 259 030,00 |
| 21. | 9572 | Цепь 1 шт., о.в. 10,53 гр., ч.в. 10,53 гр., 585 пр. | 5 554 256,00 |
| 22. | 9862 | Серьги 1 пара, кольца 4 шт., цепь 1 шт., браслет 1 шт., кулоны 2 шт., о.в. 27,01 гр., ч.в. 27,00 гр., 585 пр. | 15 487 000,00 |
| 23. | 9990 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 19,65 гр., ч.в. 19,10 гр., 585 пр. | 9 619 426,82 |
| 24. | 10217 | Цепь 1 шт., о.в. 10,82 гр., ч.в. 10,82 гр., 585 пр. | 6 245 500,00 |
| 25. | 10253 | Цепь 1 шт., о.в. 11,47 гр., ч.в. 11,47 гр., 585 пр. | 6 548 500,00 |
| 26. | 10260 | Кольцо 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 17,23 гр., ч.в. 17,20 гр., 585 пр. | 7 151 610,59 |
| 27. | 10318 | Серьги 1 пара, о.в. 1,33 гр., ч.в. 1,10 гр., 585 пр. | 492 362,24 |
| 28. | 10380 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 5,22 гр., ч.в. 5,22 гр., 585 пр. | 3 064 000,00 |
| 29. | 10438 | Кольцо и серьги 1 комп., кольца 3 шт., о.в. 30.93 гр., ч.в. 15.73 гр., 585 пр. | 8 507 698,00 |
| 30. | 10497 | Кольцо 1 шт., о.в. 4,02 гр., ч.в. 3,52 гр., 585 пр. | 1 549 000,00 |
| 31. | 10591 | Кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 2,62 гр., ч.в. 2,62 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 2,42 гр., ч.в. 2,42 гр., 916 | 2 306 500,00 |
| 32. | 10594 | Серьги 1 пара, о.в. 5,03 гр., ч.в. 5,03 гр., 585 пр. | 2 912 500,00 |
| 33. | 10621 | Кольца 2 шт., о.в. 2,63 гр., ч.в. 2,00 гр., 585 пр. | 1 094 500,00 |
| 34. | 10725 | Цепи 2 шт., о.в. 24.64 гр., ч.в. 24.64 гр., 585 пр. | 12 823 809,38 |
| 35. | 10755 | Цепь 1 шт., о.в. 12.03 гр., ч.в. 12.03 гр., 585 пр. | 7 003 000,00 |
| 36. | 10780 | Серьги 2 пары, кольцо и серьги 1 комп., о.в. 15,08 гр., ч.в. 13,78 гр., 585 пр. | 6 442 450,00 |
| 37. | 10783 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,51 гр., ч.в. 2,41 гр., 585 пр. | 693 206,80 |
| 38. | 10795 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,91 гр., ч.в. 1,91 гр., 585 пр. | 1 094 500,00 |
| 39. | 10851 | Браслет 1 шт., о.в. 16,26 гр., ч.в. 16,26 гр., 585 пр. | 8 669 500,00 |
| 40. | 10887 | Цепь 1 шт., кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 5,99 гр., ч.в. 5,89 гр., 585 пр. | 3 367 000,00 |
| 41. | 10922 | Цепи с дефектом 2 шт., кулон 1 шт., кольца 2 шт., о.в. 20,65 гр., ч.в. 20,20 гр., 585 пр. | 12 154 000,00 |
| 42. | 11056 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,32 гр., ч.в. 2,30 гр., 585 пр. | 1 321 750,00 |
| 43. | 11106 | Цепь с дефектом 1 шт., о.в. 2,40 гр., ч.в. 2,40 гр., 585 пр. | 1 170 250,00 |
| 44. | 11153 | Серьги 1 пара, о.в. 1,75 гр., ч.в. 1,70 гр., 585 пр.; серьги 1 пара, о.в. 2,50 гр., ч.в. 2,50 гр., 585 пр. | 2 761 000,00 |
| 45. | 11253 | Браслет 1 шт., кольцо 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 12,91 гр., ч.в. 12,80 гр., 585 пр. | 6 700 000,00 |
| 46. | 11291 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,53 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр. | 1 246 000,00 |
| 47. | 11552 | Цепь с дефектом 1 шт., кулон 1 шт., кольца 5 шт., о.в. 33,54 гр., ч.в. 31,00 гр., 585 пр. | 17 911 000,00 |
| 48. | 11711 | Кольцо и серьги 1 комп., кольцо 1 шт. с дефектом, о.в. 11,13 гр., ч.в. 11,13 гр., 585 пр. | 6 397 000,00 |
| 49. | 11736 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,84 гр., ч.в. 1,84 гр., 585 пр. | 1 094 500,00 |
| 50. | 11739 | Цепь 1 шт., серьги 1 пара, о.в. 5,18 гр., ч.в. 5,18 гр., 585 пр. | 3 064 000,00 |
| 51. | 11821 | Кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 3,25 гр., ч.в. 3,00 гр., 585 пр. | 1 444 970,00 |
| 52. | 11847 | Серьги 1 пара, о.в. 4,02 гр., ч.в. 4,02 гр., 585 пр. | 2 306 500,00 |
| 53. | 11903 | Серьги 1 пара, кольца 3 шт., браслет 1 шт., цепь 1 шт., о.в. 45,94 гр., ч.в. 44,00 гр., 585 пр. | 25 031 500,00 |
| 54. | 12068 | Браслет 1 шт., о.в. 3,25 гр., ч.в. 3,25 гр., 585 пр. | 1 897 450,00 |
| 55. | 12118 | Браслет с дефектом 1 шт., о.в. 1,86 гр., ч.в. 1,86 гр., 585 пр. | 1 094 500,00 |
| 56. | 12228 | Браслет 1 шт., о.в. 19,13, ч.в. 19,13, 500 пр.; серьги 1 пара, о.в. 1,36 гр., ч.в. 1,36 гр., 585 пр. | 11 775 250,00 |
| 57. | 12239 | Серьги 2 пары, кольцо 3 шт., о.в. 13,60 гр., ч.в. 12,10 гр., 585 пр. | 7 154 500,00 |
| 58. | 12264 | Кольца 3 шт., о.в. 6,10 гр., ч.в. 5,70 гр., 585 пр. | 3 367 000,00 |
| 59. | 12327 | Кольца 2 шт., браслет 1 шт., цепь 1 шт., кулон 1 шт., о.в. 15,86 гр., ч.в. 15,86 гр., 585 пр. | 9 427 000,00 |
| 60. | 12347 | Цепь 1 шт., кольцо 1 шт., о.в. 6,58 гр., ч.в. 6,50 гр., 585 пр. | 3 670 000,00 |
| 61. | 12404 | Цепь 1 шт., кулон 1 шт., серьги и кольцо 1 комп., серьги 1 пара, о.в. 19,79 гр., ч.в. 16,88 гр., 585 пр. | 8 745 250,00 |
| 62. | 12475 | Кольца 4 шт. с дефектом, серьги 1 пара, о.в. 15,27 гр., ч.в. 14,37 гр., 585 пр. | 8 366 500,00 |
| 63. | 12533 | Браслет 1 шт., о.в. 5,25 гр., ч.в. 5,25 гр., 585 пр. | 3 064 000,00 |
| 64. | 12585 | Серьги 1 пара, о.в. 3,81 гр., ч.в. 3,81 гр., 585 пр. | 2 215 600,00 |
| 65. | 12590 | Кольцо 1 шт., о.в. 2,20 гр., ч.в. 2,20 гр., 585 пр.; кольцо 1 шт., о.в. 6,88 гр., ч.в. 6,70 гр., 750 | 6 094 000,00 |
| 66. | 12902 | Кольцо и серьги 1 комп., серьги 1 пара, о.в. 12,26 гр., ч.в. 11,26 гр., 585 пр. | 5 488 000,00 |
| 67. | 12947 | Серьги 1 пара, кольцо 1 шт., о.в. 3,02 гр., ч.в. 2,90 гр., 585 пр. | 1 700 500,00 |
| 68. | 12974 | Кольцо 1 шт., о.в. 1,43 гр., ч.в. 1,30 гр., 585 пр. | 791 500,00 |
| 69. | 13038 | Кольца с дефектом 2 шт., браслет 1 шт., цепь 1 шт., кулон с дефектом 1 шт., о.в. 17,70 гр., ч.в. 17,40 гр., 585 пр. | 10 033 000,00 |
| 70. | 13248 | Серьга 1 шт. без пары, о.в. 1,07 гр., ч.в. 1,00 гр., 585 пр. | 609 700,00 |
| 71. | 13269 | Серьги 1 пара, цепь 1 шт., кулон 1 шт., браслет подвеска, серьги 1 комп., о.в. 20.23 гр., ч.в. 18.83 гр., 585 пр. | 10 866 250,00 |
| 72. | 13382 | Кольцо с дефектом 1 шт., о.в. 2,55 гр., ч.в. 2,10 гр., 585 пр. | 1 246 000,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **348 180 027,79** |

Аукцион савдолар **2024 йил 14 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 10 май куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 14 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 28 май куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо ўтишидан бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр-банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# “Respublika mulk markazi” МЧЖ “Poytaxt filiali”

## бошланғич баҳоси ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдога таклиф этади!

**Аукцион савдога “LOMBARD SHOKIR INVEST” МЧЖнинг 2024 йил 8 апрелдаги 73-сонли ариза буюртманомаси ҳамда Тошкент шаҳар Сергели туманида хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариал идоранинг 2024 йил 27 мартдаги ижро хатларига асосан, ундирувга қаратилган, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, ТТЗ-2, 51-уй, 10-хонадон манзилида сақланаётган қуйидаги заргарлик буюмлари қўйилмоқда:**

| № | Гаров патта рақами | Заргарлик буюмлари номи | Бошланғич баҳоси, сўмда |
|---|---|---|---|
| 1. | 8301 | Узук 1 дона, у.о. 1,84 гр., с.о. 1,84 гр., 585 пр. | 793 722,00 |
| 2. | 8327 | Занжир 1 дона, у.о. 3,19 гр., с.о. 3,19 гр., 583 пр, кулон 1 дона, узук 2 дона нуқсонли, у.о. 6,93 гр., с.о. 6,13 гр., 585 пр. | 3 760 496,00 |
| 3. | 8429 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 3,87 гр., с.о. 3,87 гр., 585 пр. | 1 587 091,39 |
| 4. | 8574 | Узук 1 дона, у.о. 2,63 гр., с.о. 2,60 гр., 585 пр. | 1 239 031,00 |
| 5. | 8893 | Узук 1 дона, у.о. 2,36 гр., с.о. 1,86 гр., 750 пр. | 1 067 593,60 |
| 6. | 9429 | Узук 1 дона, у.о. 2,04 гр., с.о. 1,90 гр., 583 пр. | 913 912,00 |
| 7. | 9525 | Узук ва сирға 1 тўплам, сирға 1 жуфт, у.о. 10,79 гр., с.о. 9,79 гр., 585 пр. | 3 774 703,06 |
| 8. | 9799 | Узук 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 5,75 гр., с.о. 3,27 гр., 585 пр. | 1 679 753,79 |
| 9. | 9834 | Сирға 1 жуфт, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 2,14 гр., с.о. 1,84 гр., 585 пр. | 858 630,26 |
| 10. | 10182 | Узук 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 3,81 гр., с.о. 3,81 гр., 585 пр. | 1 304 895,12 |
| 11. | 10379 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,67 гр., с.о. 3,47 гр., 583 пр. | 1 885 330,00 |
| 12. | 10431 | Узук 1 дона, у.о. 8,42 гр., с.о. 7,92 гр., 585 пр. | 4 315 390,00 |
| 13. | 10568 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,00 гр., с.о. 1,70 гр., 585 пр. | 851 469,76 |
| 14. | 10723 | Узук 1 дона, у.о. 3,15 гр., с.о. 2,55 гр., 500 пр., сирға 4 жуфт нуқсонли, узук 5 дона нуқсонли, у.о. 34,91 гр., с.о. 32,81 гр., 585 пр. | 17 006 848,00 |
| 15. | 10949 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 5,05 гр., с.о. 4,35 гр., 585 пр. | 1 887 350,00 |
| 16. | 11477 | Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 4 дона, у.о. 18,44 гр., с.о. 17,34 гр., 585 пр. | 9 346 626,62 |
| 17. | 11582 | Занжир 1 дона нуқсонли, у.о. 2,53 гр., с.о. 2,53 гр., 585 пр., узук 1 дона, у.о. 2,09 гр., с.о. 2,09 гр., 585 пр. | 2 388 190,82 |
| 18. | 11595 | Узук 2 дона, сирға 2 жуфт, у.о. 9,92 гр., с.о. 9,32 гр., 585 пр. | 4 121 348,80 |
| 19. | 11823 | Занжир 1 дона, узук 1 дона нуқсонли, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 14,14 гр., с.о. 14,10 гр., 585 пр. | 7 652 935,00 |
| 20. | 12121 | Занжир 1 дона, билагузук 1 дона нуқсонли, у.о. 48,71 гр., с.о. 48,71 гр., 585 пр. | 21 850 000,00 |
| 21. | 12132 | Узук 1 дона, у.о. 3,39 гр., с.о. 3,09 гр., 583 пр. | 1 561 569,45 |
| 22. | 12133 | Узук 1 дона, у.о. 1,70 гр., с.о. 1,50 гр., 585 пр. | 723 177,94 |
| 23. | 12145 | Колье 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 8,82 гр., с.о. 7,82 гр., 585 пр. | 4 002 603,10 |
| 24. | 12439 | Колье 1 дона нуқсонли, у.о. 2,98 гр., с.о. 2,88 гр., 585 пр. | 1 303 658,88 |
| 25. | 12468 | Узук 1 дона, у.о. 1,73 гр., с.о. 1,73 гр., 585 пр. | 793 035,20 |
| 26. | 12601 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 4,09 гр., с.о. 3,50 гр., 585 пр. | 2 003 500,00 |
| 27. | 12726 | Узук 1 дона, у.о. 1,56 гр., с.о. 1,50 гр., 585 пр. | 897 550,00 |
| 28. | 12754 | Узук 1 дона, у.о. 3,33 гр., с.о. 3,33 гр., 585 пр. | 1 639 715,78 |
| 29. | 12793 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, билагузук 2 дона нуқсонли, узук ва сирға 1 тўплам, узук 3 дона нуқсонли, сирға жуфтсиз 1 дона, у.о. 37,45 гр., с.о. 33,35 гр., 585 пр. | 19 274 500,00 |
| 30. | 12794 | Занжир 1 дона, у.о. 5,55 гр., с.о. 5,55 гр., 585 пр. | 3 215 500,00 |
| 31. | 12833 | Занжир 1 дона, у.о. 8,33 гр., с.о. 8,33 гр., 585 пр. | 4 200 250,00 |
| 32. | 12942 | Узук ва сирға 1 тўплам нуқсонли, узук 3 дона нуқсонли, билагузук 1 дона, у.о. 17,51 гр., с.о. 15,61 гр., 585 пр. | 9 017 950,00 |
| 33. | 13016 | Узук 1 дона, у.о. 4,19 гр., с.о. 4,19 гр., 585 пр. | 2 458 000,00 |
| 34. | 13052 | Узук 1 дона, у.о. 4,17 гр., с.о. 4,00 гр., 750, узук 2 дона, у.о. 3,83 гр., с.о. 3,10 гр., 585 пр. | 3 033 700,00 |
| 35. | 13055 | Узук 1 дона, у.о. 6,64 гр., с.о. 6,44 гр., 585 пр. | 3 730 600,00 |
| 36. | 13059 | Узук 1 дона, у.о. 5,82 гр., с.о. 4,32 гр., 585 пр. | 2 369 524,00 |
| 37. | 13108 | Узук 2 дона нуқсонли, у.о. 4,38 гр., с.о. 3,78 гр., 585 пр. | 1 397 500,00 |
| 38. | 13179 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 5,82 гр., с.о. 5,52 гр., 585 пр. | 3 200 350,00 |
| 39. | 13261 | Узук 2 дона, у.о. 6,31 гр., с.о. 6,11 гр., 500 пр., узук 1 дона, занжир 1 дона, билагузук 2 дона, у.о. 20,37 гр., с.о. 20,27 гр., 585 пр. | 15 184 000,00 |
| 40. | 13279 | Узук 3 дона, у.о. 4,63 гр., с.о. 4,33 гр., 585 пр. | 2 297 304,96 |
| 41. | 13288 | Узук 2 дона, сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 7,46 гр., с.о. 6,96 гр., 585 пр. | 3 821 500,00 |
| 42. | 13414 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 3,19 гр., с.о. 2,99 гр., 585 пр. | 1 745 950,00 |
| 43. | 13505 | Узук 1 дона, у.о. 2,47 гр., с.о. 2,47 гр., 585 пр. | 1 442 950,00 |
| 44. | 13512 | Сирға 1 жуфт, у.о. 6,91 гр., с.о. 3,91 гр., 585 пр. | 2 276 200,00 |
| 45. | 13568 | Занжир 1 дона, билагузук 1 дона, у.о. 2,58 гр., с.о. 2,48 гр., 585 пр. | 1 458 100,00 |
| 46. | 13653 | Сирға 2 жуфт, у.о. 4,37 гр., с.о. 4,07 гр., 585 пр. | 2 367 100,00 |
| 47. | 13709 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,02 гр., с.о. 2,82 гр., 585 пр. | 1 405 256,80 |
| 48. | 13799 | Занжир 1 дона, кулон 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 3 дона нуқсонли, у.о. 20,41 гр., с.о. 19,61 гр., 585 пр. | 11 169 250,00 |
| 49. | 13802 | Занжир 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 2 дона, у.о. 21,23 гр., с.о. 21,03 гр., 585 пр. | 12 154 000,00 |
| 50. | 13808 | Узук ва сирға 1 тўплам нуқсонли, у.о. 5,25 гр., с.о. 4,35 гр., 585 пр. | 2 533 750,00 |
| 51. | 13898 | Узук 1 дона, у.о. 3,35 гр., с.о. 3,15 гр., 585 пр. | 1 852 000,00 |
| 52. | 13940 | Узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 7,33 гр., с.о. 7,33 гр., 585 пр. | 4 276 000,00 |
| 53. | 13987 | Узук 1 дона нуқсонли, у.о. 2,73 гр., с.о. 2,43 гр., 585 пр. | 1 358 110,00 |
| 54. | 14054 | Занжир 1 дона, у.о. 13,64 гр., с.о. 13,64 гр., 750 пр.; узук ва сирға 1 тўплам, у.о. 16,13 гр., с.о. 14,63 гр., 585 пр. | 17 759 500,00 |
| 55. | 14056 | ЗАнжир 1 дона, у.о. 1,06 гр., с.о. 1,06 гр., 585/500 пр., занжир 1 дона, кулон 2 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 3,62 гр., с.о. 3,54 гр., 585 пр. | 2 306 500,00 |
| 56. | 14111 | Колье 1 дона, у.о. 3,65 гр., с.о. 3,15 гр., 585 пр. | 1 639 900,00 |
| 57. | 14112 | Узук 1 дона, у.о. 1,97 гр., с.о. 1,67 гр., 585 пр. | 867 250,00 |
| 58. | 14217 | Узук 1 дона, у.о. 1,70 гр., с.о. 1,70 гр., 585 пр. | 1 003 600,00 |
| 59. | 14219 | Колье 1 дона, узук 1 дона, у.о. 9,90 гр., с.о. 9,60 гр., 585 пр. | 5 548 600,00 |
| 60. | 14220 | Узук 1 дона, у.о. 4,89 гр., с.о. 4,49 гр., 585 пр. | 2 609 500,00 |
| 61. | 14222 | Сирға 1 жуфт, у.о. 3,81 гр., с.о. 3,41 гр., 585 пр. | 1 988 350,00 |
| 62. | 14223 | Узук ва сирға 1 тўплам, билагузук 1 дона, у.о. 10,92 гр., с.о. 10,22 гр., 585 пр. | 5 912 200,00 |
| 63. | 14406 | Билагузук 1 дона, узук 6 дона, сирға 1 жуфт, узук ва сирға 2 тўплам, у.о. 46,28 гр., с.о. 38,51 гр., 585 пр. | 22 759 000,00 |
| 64. | 14430 | Узук 1 дона, у.о. 4,81 гр., с.о. 4,81 гр., 585 пр. | 2 836 750,00 |
| 65. | 14499 | Соат 1 дона, у.о. 44,41 гр., с.о. 25,86 гр., 585 пр. | 15 184 000,00 |
| 66. | 14503 | Узук 1 дона, у.о. 2,13 гр., с.о. 1,63 гр., 585 пр. | 958 150,00 |
| 67. | 14504 | Сирға 1 жуфт нуқсонли, у.о. 0,98 гр., с.о. 0,98 гр., 585 пр. | 549 100,00 |
| 68. | 14654 | Узук 3 дона, у.о. 7,31 гр., с.о. 7,21 гр., 585 пр. | 3 821 500,00 |
| 69. | 14663 | Узук 1 дона, у.о. 3,54 гр., с.о. 3,44 гр., 583 пр., сирға 1 жуфт, у.о. 5,99 гр., с.о. 5,79 гр., 585 пр. | 4 624 450,00 |
| 70. | 14718 | Колье 1 дона, у.о. 10,51 гр., с.о. 10,51 гр., 585 пр. | 6 078 850,00 |
| 71. | 14740 | Узук 1 дона, колье 1 дона, у.о. 7,48 гр., с.о. 7,40 гр., 585 пр. | 4 291 150,00 |
| 72. | 14886 | Узук 1 дона, у.о. 2,31 гр., с.о. 2,11 гр., 583 пр. | 791 500,00 |
| 73. | 14909 | Узук 1 дона, у.о. 1,96 гр., с.о. 1,46 гр., 585 пр. | 761 200,00 |
| 74. | 14955 | Узук 1 дона, у.о. 2,79 гр., с.о. 2,29 гр., 585 пр. | 1 352 050,00 |
| 75. | 14979 | Узук 1 дона, у.о. 2,14 гр., с.о. 2,04 гр., 585 пр. | 1 049 050,00 |
| 76. | 15359 | Занжир 1 дона, у.о. 9,20 гр., с.о. 9,20 гр., 585 пр. | 4 427 500,00 |
| 77. | 15425 | Узук 1 дона, у.о. 3,75 гр., с.о. 3,75 гр., 585 пр. пр. | 2 185 300,00 |
| 78. | 15649 | Узук 1 дона, у.о. 2,19 гр., с.о. 2,09 гр., 585 пр. | 943 000,00 |
| 79. | 15666 | Билагузук 1 дона, у.о. 4,63 гр., с.о. 4,63 гр., 583 пр., занжир 1 дона, у.о. 7,64 гр., с.о. 7,64 гр., 585 пр. | 5 639 500,00 |
| 80. | 15738 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,59 гр., с.о. 4,19 гр., 500 пр. | 2 003 500,00 |
| 81. | 15761 | Сирға 2 жуфт, у.о. 4,18 гр., с.о. 3,58 гр., 585 пр. | 2 094 400,00 |
| 82. | 15797 | Сирға 1 жуфт, у.о. 1,36 гр., с.о. 1,36 гр., 585 пр. | 791 500,00 |
| 83. | 15841 | Колье 1 дона, сирға 1 жуфт, узук 2 дона, занжир 1 дона нуқсонли, билагузук 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 46,12 гр., с.о. 45,40 гр., 585 пр. | 17 002 000,00 |
| 84. | 15885 | Узук 1 дона, сирға 1 жуфт, у.о. 3,21 гр., с.о. 3,21 гр., 585 пр. | 1 867 150,00 |
| 85. | 15947 | Сирға 1 жуфт, у.о. 7,31 гр., с.о. 7,31 гр., 585 пр. | 4 427 500,00 |
| 86. | 16074 | Сирға 1 жуфт, у.о. 2,33 гр., с.о. 2,33 гр., 585 пр. | 1 367 200,00 |
| 87. | 16432 | Узук 1 дона, у.о. 6,26 гр., с.о. 5,96 гр., 585 пр. | 3 457 900,00 |
| 88. | 16472 | Кулон 1 дона, у.о. 2,00 гр., с.о. 2,00 гр., 585 пр. | 1 185 400,00 |
| 89. | 16573 | Сирға 1 жуфт, у.о. 4,70 гр., с.о. 4,70 гр., 585 пр. | 2 730 700,00 |
| 90. | 16596 | Узук 2 дона нуқсонли, сирға 1 жуфт, у.о. 7,10 гр., с.о. 6,00 гр., 585 пр. | 3 488 200,00 |
| 91. | 17119 | Колье 1 дона, билагузук 1 дона, кулон 1 дона, у.о. 8,45 гр., с.о. 8,25 гр., 585 пр. | 4 730 500,00 |
| | **Жами бошланғич баҳоси** | | **381 482 873,33** |

Аукцион савдолар **2023 йил 16 май** куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади.

**Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати:** 2024 йил 14 май куни соат 18.00 гача.

Аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик).

Юқоридаги заргарлик буюмлари **2024 йил 16 май** куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2024 йил 30 май ва 13 июнь кунлари соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Такрорий савдолар учун аризаларни қабул қилиш савдо ўтишидан бир иш кун олдин соат 16.00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 5 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ХАТБ “Давр банк” Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамга тўлашлари шарт:** 2020 8000 0005 7145 2008 МФО 01121 СТИР 200 933 850.

**Аукцион савдо ўтказиладиган ва аризалар қабул қилинадиган манзил:** Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Ҳамид Олимжон кўчаси, 13-“А” уй.

**Телефон:** 71-237-23-96.

**Расмий веб-сайт:** www.rmm.uz

*001805 рақамли гувоҳнома.*

# Мақсадимиз – Янги Ўзбекистоннинг бўлажак бунёдкорларини тарбиялаш

**Ҳайитбай АБДУЛЛАЕВ,** Хоразм архитектура ва қурилиш техникуми директори.



**Хоразм архитектура ва қурилиш техникуми деярли 60 йил давомида бунёдкорлик соҳаси учун мутахассисларни тайёрлаб келмоқда. Техникум битирувчилари вилоятнинг барча туманлари, Қорақалпоғистон, Туркманистон ва хорижий давлатлардаги қурилиш объектларида фаолият олиб боришмоқда. Президентимизнинг 2021 йил 31 августдаги ПҚ-5241-сонли қарорига асосан, ўқув юрти техникум шаклида бўлиб қайта ташкил этилди.**

Техникумда архитектура, бино ва иншоотлар қурилиши, электр станциялари тармоқлари ва тизимлари, компьютер инжиниринги, бухгалтерия ҳисоби ва аудит мутахассисликлари бўйича кундузги, сиртқи ва дуал таълим шаклида 282 нафар ўқувчи-ёшлар таълим олмоқда. Уларга 17 нафар ўқитувчи, 4 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси таълим-тарбия бериб, касб-ҳунар ўргатишмоқда. Шунингдек техникум ҳузурида 2021 йил апрель ойидан ташкил қилинган қурилиш соҳасига малакали мутахассисларни тайёрлаш марказида 15 та қурувчи касблар бўйича 3,5-4,5 ойлик курсларда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга чиқаётган ва банд бўлмаган аҳолини ўқитиш йўлга қўйилди. Бугунга қадар 1870 дан ортиқ фуқаро касб-ҳунарга ўқитилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 31 декабрдаги «Малакаларни баҳолаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва меҳнат бозорини малакали кадрлар билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-4939-сон қарорига асосан, техникум ҳузурида "Малакани баҳолаш маркази" ҳам фаолият бошлади. Марказда 3 та қурувчи касблари – бетончи, электргазпайвандловчи, электрмонтажчи касблари бўйича баҳолаш воситалари тўплами ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқариш таълими усталарининг экспертлик бўйича малакаси оширилиб, тегишли сертификатга эга бўлишди. Ушбу марказда мустақил касб ўрганган фуқаролар малакасини тасдиқлаш ҳамда белгиланган тартибда малака даражасини тасдиқловчи сертификат бериш мумкин бўлади.

Мамлакатимизда ва халқаро меҳнат бозорида қурилиш ва архитектура соҳасида юқори малакали мутахассисларга талаб ошиб бораётгани туфайли техникумда таълим жараёнидаги эски услублардан воз кечилиб, замонавий педагогик ва ахборот технологиялари ҳамда таълимнинг инновацион усулларини қўллаш талаб этилмоқда. Ўқув юртида ҳар бир фан бўйича ўқув материаллари тўпламлари билан бирга электрон таълим ресурсларини тайёрлаш ҳам амалга оширилмоқда. Ўтган 2023 йилда махсус фан ўқитувчилари О. Матчанов, З. Палвановлар томонидан тайёрланган электрон таълим ресурслари Олий таълим фан ва инновациялар вазирлиги, Қурилиш соҳаси бўйича услубий кенгаш томонидан маъқулланиб, қўллаш учун тавсия этилди. Техникумда Президентимизнинг 2020 йил 27 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси қурилиш тармоғини модернизация қилиш, жадал ва инновацион ривожлантиришнинг 2021 – 2025 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ–6119-сонли фармонига мувофиқ, Коучингга асосланган педагогик кенгаш услубини амалга ошириш бўйича вазифалар белгиланиб, таълим жараёнига коучинг услуби жорий этиляпти.

Қурилиш ва лойиҳалаш ташкилотларининг юқори малакали мутахассислари ҳамда Урганч давлат университетининг Қурилиш ва архитектура кафедраси профессор ўқитувчилари томонидан ўтказилаётган маҳорат дарслари ҳам ўқувчиларнинг қизиқишини орттириб, чуқур билим олишига асос бўлмоқда. Шунингдек, Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлигининг 2023 йил 7 мартдаги 56-сонли буйруғида белгиланган вазифаларни бажариш бўйича Хоразм вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бошқармаси ҳамда Хоразм архитектура ва қурилиш техникуми билан ҳамкорликда тасдиқланган чора-тадбирлар режасига асосан, ўтган даврда бошқарма раҳбар ва мутахассисларининг ўқувчи-ёшлар билан учрашувлари ташкил этилди. Вилоят бошқармаси ва туман бошқармаларининг раҳбар ва мутахассислари томонидан маҳорат машғулотлари ҳам йўлга қўйилди.

Урганч давлат университетининг Қурилиш ва архитектура кафедралари билан қўшма чора-тадбирлар дастури ишлаб чиқилиб, унга техникум ўқитувчилари ва ишлаб чиқариш таълими усталари олий таълим муассасасининг профессор-ўқитувчиларига бириктирилган. Бу орқали илмий салоҳиятни ошириш, ҳамкорликда илмий мақолалар ёзиш йўлга қўйилиб, ўтган даврда маҳаллий ва хорижий илмий журналларда 10 та илмий мақола чоп этилди.

Техникумнинг Осиё тараққиёти банки ҳамда 2022 йилда вилоят бюджетидан молиялаштирилган маблағлар ҳисобига жиҳозланган ўқув устахоналари, шу жумладан, Гидравлика, қурилиш материаллари лабораториясидан университет билан ҳамкорликда фойдаланиш йўлга қўйилди. Техникумда "КНАУФ гипс Бухоро" корхонаси билан шартнома тузилиб, таълим жараёнига хорижий тажрибани жорий этиш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилди. Жумладан, корхонанинг ўқув дастурлари, электрон ўқув материаллари қисқа муддатли курсларда гипсокартон монтажчиси касбига ўқитишда муваффақиятли қўлланилмоқда. "КНАУФ гипс Бухоро" корхонасининг Бухоро шаҳридаги ўқув маркази мутахассиси С. Атаев томонидан маҳорат дарслари, кўргазмали машғулотлар олиб борилятпи. Корхона томонидан 11,7 миллион сўмлик замонавий иш қуроллари, шахсий ҳимоя воситалари ҳам ўқув юртимизга берилди.




Ўтган йили Қурилиш уй-жой ва коммунал хўжалиги вазирлиги томонидан гипсокартон монтажчиси касби бўйича ўтказилган "World Skills Uzbekistan" танловида марказ ўқувчиси Д. Аллаёров ва унинг устози Д. Қодировлар муваффақиятли иштирок этиб, "Энг фаол иштирокчи" номинацияси ғолиби бўлишди. Ҳозирги кунда сантехника касби бўйича Тошкентда ўтказиладиган "World Skills Uzbekistan" танловига ишлаб чиқариш таълими устаси Ҳ. Эрназаров раҳбарлигида техникум ўқувчиси Худойшукур Шихназаров тайёрлик олиб бормоқда.



Техникумда профессионал таълимнинг истиқболи бўлган дуал таълим шаклида бино ва иншоотлар қурилиши мутахассислиги бўйича 2023-2024 ўқув йилидан машғулотлар ташкил қилиш йўлга қўйилди. Урганч шаҳридаги "Мегасфера" корхонаси билан мебель йиғиш ва таъмирлаш касби бўйича шартнома имзоланиб, ўқув гуруҳини шакллантириш жараёни бошланди.

Юртбошимиз томонидан 2024 йилнинг "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили", деб номланиши ўқув юртимиз жамоасига ҳам катта масъулият юклаб, олдимизга кўплаб вазифаларни қўйди. Хусусан, техникум моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, жумладан, янги компьютер синфини сотиб олиш, архитектура ва қурилиш соҳасидаги дастурларни ўқувчи ёшларга ўргатишни йўлга қўйиш, архитектура ва қурилиш соҳасида мутахассисларни тайёрлашда коучинг методини кенг қўллаш, умумий ўрта таълим мактаблари билан ўзаро ҳамкорлик шартномаси асосида ташвиқот-тарғибот ишларини кучайтириш, ота-оналар билан мулоқотни самарали ташкил этиш режалаштирилган.

Шунингдек, келгусида техникумнинг қувватидан тўлиқ фойдаланишга эришиш, 4 қаватли ўқув биносини капитал таъмирлаш ва ўқув полигони қурилишини инвестиция дастурига киритиш, ўқитувчилар ва ишлаб чиқариш таълими усталарининг малакасини ошириш, вилоятимиздаги етакчи корхоналар ва хорижда стажировкаларини ташкил этиш, малака тоифаларини оширишни таъминлаш, малакани баҳолаш маркази фаолиятини йўлга қўйиш, сантехника, ғишт терувчи, бўёқчи, гипсокартон монтажчиси касблари бўйича баҳолаш воситалари тўпламларини ишлаб чиқиш ҳам кўзда тутилмоқда.


## Правительство Республики Узбекистан

**получило финансирование от Всемирного банка на реализацию проекта "Развития сельской инфраструктуры" и намерено направить часть вырученных средств на выплаты по контракту для подрядных работ по следующим объектам:**

| Номер пакета | Наименование объекта | Срок строительства |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-27 | Реконструкция здания ДОУ в МСГ "Коракум" и здания ДОУ №8 в МСГ "Кайирма" Хавастского района Сырдарьинской области | 120 календарных дней |

## ГУП "СЛУЖБА ЕДИНОГО ЗАКАЗЧИКА" ПРИ СЫРДАРЬИНСКОМ ОБЛАСТНОМ ХОКИМИЯТЕ

**приглашает подрядчиков принять участие в Торгах на выполнение вышеописанных работ. Торги будут производиться в соответствии с процедурами национальных конкурсных торгов (НКТ), установленными в "Правилах закупок для заемщиков ФИП Всемирного банка" и в нем могут принять участие любые участники из правомочных стран, как определено в Правилах.**

Заинтересованные правомочные участники торгов могут получить более подробную информацию в Консалтинговом центре по организации государственных закупок в сфере строительства по Сырдарьинской области и ознакомиться с тендерной документацией в рабочее время с 9.00 до 18.00 по нижеуказанному адресу. Полный комплект тендерной документации на русском языке может быть приобретен заинтересованными участниками торгов по предоставлению письменной заявки по нижеуказанному адресу и оплаты невозмещаемого взноса. Сумма для покрытия расходов по распечатке и рассылке/транспортных расходов договорная.

| | |
|---|---|
| **ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Сырдарьинской области**<br>**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).<br>**Тел.:** 67-227-64-48. **Факс:** 67-227-64-42.<br>**E-mail:** tender-12@mail.ru | **Получатель:** ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Сырдарьинской области<br>**Банковские реквизиты:**<br>р/с: 2021 0000 3038 3676 6001<br>Сырдарьинский ф-л НБУ ВЭД<br>**ИНН:** 202 585 476 **МФО:** 00363 |

Тендерные предложения должны быть действительны в течение 60 дней после вскрытия тендерных предложений и сопровождаться банковской гарантией согласно инструкциям, изложенным в тендерной документации.

| Номер контракта | Наименование объекта | Залоговое обеспечение |
|---|---|---|
| MOEI-RIDP-SYR-W-27 | Реконструкция здания ДОУ в МСГ "Коракум" и здания ДОУ №8 в МСГ "Кайирма" Хавастского района Сырдарьинской области | 35 000 000 сум |

Тендерные предложения должны быть доставлены по указанному адресу не позднее 16.00 (по ташкентскому времени) 30 апреля 2024 г., где они будут вскрыты в присутствии участников торгов, желающих принять участие в этом процессе. Запоздавшие предложения будут отклонены. **Цены тендерных предложений должны быть указаны без НДС.**

**Организация для подачи предложений:**
ГУ Консалтинговый центр по организации государственных закупок в сфере строительства по Сырдарьинской области.
**Адрес:** Сырдарьинская обл., г. Гулистан, ул. Ахтамова, дом, 30 (здание ИК СЭЗ, 1-этаж).
**Тел.:** 67-227-64-48.
**Факс:** 67-227-64-42.
**E-mail:** sirdaryotender20@gmail.com
**Ответственный представитель консалтингового центра:** Шавкат Джураев.


## ТУҒИЛГАН КУНИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

### 2024 йил апрель ойининг 10-15 саналарида таваллуд айёмларини нишонлайдиган

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги Архитектура ва шаҳарсозликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи **Шихназар Атаджанов,** Иқтисодий ислоҳотлар бўлими етакчи мутахассиси **Бобур Бекмуродов,** Кўп хонадонли уй-жой фондини бошқариш ва эксплуатация қилиш тизимини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Очилбой Низомов,** Стратегик режалаштириш ва методология бўлими етакчи мутахассиси **Азиз Муҳаммадқулов,** ДХШ ва инвестиция дастурларини шакллантириш, реновация лойиҳаларини мувофиқлаштириш бошқармаси бош мутахассиси **Абдукарим Саматов,** Компетенцияни ривожлантириш ва малакани баҳолаш тизимини мувофиқлаштириш бўлими бош мутахассиси **Акбар Мирзакаримов,** Ички аудит бўлими бош мутахассиси **Одилжон Ҳайитов,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ етакчи мутахассиси **Сардор Асатиллаев,**

Техник меъёрлаш ва стандартлаштириш илмий тадқиқот институти стандартлаштириш бошқармаси етакчи мутахассиси **Муниса Усанова,**

"Коммунал лойиҳа илмий-тадқиқот институти" ДМ "Хоразм" филиали етакчи муҳандиси **Сарвар Садуллаев,**

"O'zog'irsanoatloyiha" АЖ баҳолама бўлими етакчи мутахассиси **Данияр Темирханов,** етакчи муҳандис **Светлана Шегай,** лаборатория бошлиғи Тоҳиржон Батиров,

"Ташгипрогор" АЖ сектор раҳбари, ГИП **Валентина Жарская,**

"O'zshaharsozlik LITI" ДМ Йўл ва ҳудудларни муҳандислик лойиҳаларини ишлаб чиқиш бўлими лойиҳа бош архитектори **Гўзал Туляганова,** Шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш бошқармаси 6-устахонаси техниги **Абдувоҳиджон Тўраев,**

Қорақалпоғистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси бош инспектори **Ниетулла Каллиев,** ҳайдовчи **Садатдин Убайдуллаев,**

Бухоро вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси диспетчерлик хизмати оператори **Шаҳзод Тўлисов,** Комплаенс назорати бўйича мутахассис **Азамат Файзиев,** Бухоро шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими уй-жой коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Мавлюд Тўраманов,** Вобкент тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Амонжон Ахтамов,**

Жиззах вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси ҳисобчиси **Хайрулла Сулаймонов,** Зомин тумани қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими бош мутахассиси **Бахтиёр Мамасобиров,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси мутахассиси **Фаррухбек Кенжаев,** "Shaharsozlik hujjatlarini ekspertiza qilish Respublika markazi" ДМ Жиззах вилояти филиали иш юритувчиси **Наргиза Абдуллаева,**

Навоий вилояти, Зарафшон шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими мутахассис-архитектори **Абдулатиф Ялғашев,** Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги соҳасида ҳудудий назорат қилиш инспекцияси Кўп квартирали уй-жой фондидан фойдаланишни назорат қилиш бўлими мутахассиси **Сирожиддин Аллаев,** Қурилиш-монтаж ишлари устидан назорат бўлими мутахассиси **Фарҳод Каримов,**

Тошкент вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси юрисконсульти **Аслиддин Авезов,** Бекобод шаҳар қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бўлими объектларни жойлаштириш ва бош режаларни амалга ошириш масалалари бўйича архитектори **Нодиржон Ортиқов,**

Фарғона вилояти Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги бош бошқармаси Ичимлик суви, оқова сув ва иссиқлик таъминоти тизимларини ривожлантириш шўъбаси бошлиғи **Баҳодир Ҳакимов,** Уй-жой ва коммунал хўжалиги бўйича бош мутахассис **Мурат Қўзибоев,**

Тошкент шаҳар "Veolia Energy Tashkent" ХК МЧЖ бош директори **Алишер Хаитметов,** ижрочи директори **Антон Ладонкин,**

Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳридаги "Tungish Imarat Servis" МЧЖ БСК бош директори **Дамир Қудойназаров,** Қўнғирот туманидаги "Taza Qonirat servis" МЧЖ БСК бош директори **Арыслан Қудайбергенов,**

Сирдарё вилояти, Ширин шаҳридаги "Ширин сити коммунал" МЧЖ БСК бош директори **Раъно Бекмурадова,**

Тошкент вилояти, Қуйичирчиқ туманидаги "Do'stobod Clean Citi" МЧЖ БСК бош директори **Бахтиёр Рустамов,**

Тошкент шаҳар, Чилонзор туманидаги "Шинам сервис плюс" МЧЖ БСК бош директори **Тамара Ҳамидова,** Яккасарой туманидаги "Kommunalchi servis" МЧЖ БСК бош директори **Ҳикмат Узоқов**ларни таваллуд куни билан чин дилдан муборакбод этамиз.

**УЛАРГА СИҲАТ-САЛОМАТЛИК, УЗОҚ УМР, ОИЛАВИЙ ХОТИРЖАМЛИК, МУСТАҲКАМ СОҒЛИҚ ТИЛАЙМИЗ!**




**Адҳам ЭГАМБЕРДИЕВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**Рамазон ҳайити мусулмонларнинг энг улуғ айёмларидан биридир. У Рамазон ойи тугаб, Шаввол ойи бошланганида нишонланади. Рамазон ҳайити "Ийдул фитр" деб ҳам аталади ва рўзанинг тугашини билдиради. Дарвоқе, "ийд" сўзи араб тилида "қайта-қайта такрорланиш", "фойда-манфаат", деган маъноларни англатади. Ҳайит байрами ҳар йили такрор келгани ва унда Аллоҳ таолонинг неъматлари бандаларига сероб бўлгани учун "ийд" деб номланган.**

Баъзи уламолар: "Бу байрам инсонларга уларнинг қийинчилик ва ғам-ташвишларига қарамасдан ҳар йили хурсандчилик ва шодлик билан қайта-қайта келгани учун "ийд" деб номланган", деганлар. "Фитр" эса "оғиз очиш", "таомланишни бошлаш" деганидир. Демак, "Ийдул фитр" рўзадан чиқиб, таомланишга ўтиш кунидир. Ҳайит куни қайта туғилиш рамзи ҳамдир. Рамазонда инсон жисмини, руҳини поклайди ҳамда нафсини тарбия қилади, келажакда уни фақат Аллоҳга маъқул амалларни бажаришга ундайди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: *"Албатта, Аллоҳ таоло сизларга Рамазон ойи рўзасини фарз қилди. Мен сизларга унинг кечаларини қоим қилишни суннат қилдим. Ким унинг рўзасини тутса ва кечаларини қоим қилса, гуноҳларидан онаси туққан кунгидек фориғ бўлади"*, деганлар.

Ийд улуғ ибодатни адо қилгандан сўнг бандаларга тақдим қилинган ўзига хос раббоний зиёфатдир. Ийд ул-фитр – Рамазон ҳайити байрами Аллоҳ таоло бандаларига Рамазон ойида фарз қилган рўза ибодати адо қилинганидан кейин келади. Банда Рамазонда Аллоҳнинг розилиги учун, У Зотнинг амри бўлгани учун егуликдан, ичимликдан ва рўзани очиб юборадиган бошқа нарсалардан ўзини тияди. Шунинг учун Аллоҳ таоло Ўзининг фазли, мағфирати ва бу ибодатга лойиқ кўрганидан хурсанд бўлсинлар, деб бандаларини Ийд ул-фитр зиёфатига таклиф этади.

Ҳайит байрами – инсон шаъни ва қадрининг нечоғли юксаклигини кўрсатувчи хайр-саховат, меҳр-мурувват айёми, диллардаги гина-кудуратлар заволга кетиб, дўстлик ва ҳамжиҳатлик эгалловчи, Ҳазрат Алишер Навоий таърифидаги каби сўз ва кўз озодалиги, тил ва дил поклиги байрамидир. Шубҳасиз, Ҳайит байрами – улуғ айём. Унинг халқимиз маънавий ҳаётида тутган ўрни ҳамда жамиятимизда сахийлик, шукроналик, меҳр-оқибат каби фазилатларни қарор топтиришдаги аҳамияти беқиёсдир.

## ҲАЙИТ КУНЛАРИ ШОДЛИКНИ ИЗҲОР ҚИЛИШ ДИННИНГ ШИОРЛАРИДАНДИР

Рамазон ҳайитининг пайдо бўлиши ва нишонланиши Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам билан узвий боғлиқ. Ҳижратнинг иккинчи йилидан буён Рамазон ҳайити улуғ айём сифатида нишонлаб келинади. Мазкур ибодатнинг тантанаси ўлароқ Рамазон ҳайити Аллоҳ таоло томонидан мусулмонлар учун байрам қилиб берилди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам Мадинага келганларида шаҳар аҳли икки кунда ўйин-кулги қилар эдилар. "Бу иккиси қандай кун?" деб сўрадилар. "Жоҳилиятда ўйнайдиган кунимиз эди", дейишди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Албатта, Аллоҳ сизларга бу иккиси ўрнига улардан кўра яхши – Қурбонлик куни ва Фитр кунини берди", дедилар (Имом Термизий ривояти).

Қурбон ва Рамазон ҳайитлари Аллоҳнинг бандаларига фарз қилган улуғ ибодатлари: Рамазон рўзаси ва Ҳаж ибодати адо этиб бўлинган куннинг эртасига нишонланади. Аллоҳ таоло бандаларини мана шундай улуғ ибодатларни адо этишга муяссар қилгани учун ҳам унинг шукронасига икки ракат ҳайит намозини ўқишни вожиб қилди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилади: "Бас, Роббингиз учун намоз ўқинг ва (туя) сўйиб қурбонлик қилинг" ("Кавсар" сураси, 2-оят). Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Ҳар бир қавмнинг ўз байрами бор, бу (Ийд куни) бизнинг байрамимиздир", деганлар.

Мўмин-мусулмонлар Ҳайит байрамини яқинлари даврасида ўтказадилар. Айниқса, ота-оналарга янада хушмуомала бўлиб, хурсандчилик улашишади. Уларнинг дуоларини олишади. Шунингдек, муҳтожлар ва беморлар ҳолидан хабар олиш, болаларга шодлик улашиш, уларнинг қалбларига қувонч олиб кириш катта савоб амаллардан бири.

Арафа куни кечаси, яъни ҳайит кунига ўтар кечасини зикру тасбиҳ ва дуои истиғфор билан бедор ўтказиш савобли амаллардандир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: "Кимки Рамазон ва Қурбон ҳайитининг кечасини бедор ўтказса, қалблар ўладиган кунда унинг қалби ўлмайди", деганлар. Ҳайит кунининг тонгидан ғусл қилиб, хушбўй атирлар сепиб ва энг гўзал, янги ёки тоза кийимларимизни кийиб, ҳайит намози ўқилгунча ҳеч нарса емай, намозгоҳга бормоғимиз суннат амалдир. Ҳайит кунлари дуолар қабул қилинадиган кундир. Бу кунда баъзи жойларда одамлар урф қилиб, тўп-тўп бўлиб қабристонга, азадор хонадонларга бориши, йиғи-сиғи қилиши шаръан дуруст эмас. Бундай ношаръий амаллардан қайтайлик, ўзимизни ортиқча бидъат амаллардан сақлайлик. Бунинг ўрнига Аллоҳнинг тинчлик, хотиржамлик каби неъматларига шукр қилиб, эрта тонгдан ҳайит намозини адо этиб, кўпчилик билан қўлларимизни дуога очсак, қалбимиздаги истакларимизни Яратгандан сўрасак, иншаааллоҳ, бунинг савоби ўзимизга ҳам, биздан умидвор бўлиб ётганларга ҳам етиб боради.

## РАМАЗОН ҲАЙИТИНИНГ ДАВЛАТ МИҚЁСИДА НИШОНЛАНИШИ

Халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукроналик тимсоли бўлган қутлуғ Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш давлатимиз томонидан алоҳида эътибор билан амалга оширилади. Ҳар йилгидек бу йил ҳам ана шу ойни муносиб ўтказиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 7 мартдаги "Муборак Рамазон ойини муносиб тарзда ўтказиш тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Унда Рамазон ойини алоҳида тайёргарлик ва кўтаринки кайфиятда ўтказиш назарда тутилган. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари Дин ишлари бўйича қўмита, Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда ҳудудларда Рамазон ойини миллий анъана ва қадриятларга мос тарзда ўтказиш қарорда белгилаб қўйилган. Таровеҳ ва Ҳайит намозларида Ички ишлар ва миллий гвардия ходимлари хавфсизликни таъминлаш учун масъулликни ўз зиммаларига оладилар.

Мурувват, аҳиллик ва ҳамжиҳатликни улуғловчи ушбу фазилатли ойда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, оила ва маҳаллаларда меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган тадбирларни янада кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

Президентимизнинг 2024 йил 8 апрелдаги "Муборак Рамазон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги қарорида ҳам "Халқимиз учун асрлар давомида эзгулик, меҳр-оқибат, хайру саховат, маънавий покланиш айёми бўлиб келаётган муборак Рамазон ойини бу йил юртимиз мўмин-мусулмонлари ўзгача шукуҳ ва ҳамжиҳатлик билан ўтказдилар. Айниқса, раҳмат ва мағфират нурлари ёғиладиган ушбу саодатли кунларда кам таъминланган ва эҳтиёжманд оилалар, ногиронлиги бўлган шахсларга моддий ва маънавий ёрдамлар кўрсатилаётгани, барча ҳудудларимизда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида эҳсон дастурхонлари ёзилиб, эл-юртимизнинг тинчлиги, бахти ва келажаги учун дуойи фотиҳалар қилинаётгани бу ойнинг файзу тароватини янада оширмоқда.

Ҳеч шубҳасиз, бундай савобли ва олижаноб ишлар ер юзидаги барча инсонларни доимо дўст ва биродар бўлиб яшашга даъват этадиган муқаддас ислом динимизнинг эзгу ғояларини чуқур ҳис этган ҳолда, мамлакатимиздаги тинчлик ва барқарорликни, турли миллат ва конфессиялар ўртасидаги тотувликни мустаҳкамлашга, бугунги ёруғ ҳаётимизнинг қадрига етиб, уни янада обод ва фаровон этишга хизмат қилмоқда" дейилади. Муборак Рамазон ҳайити кунларида янада яққол намоён бўладиган ана шундай анъана ва қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда кенг тарғиб этиш учун бир қатор вазифалар белгиланган.

Ҳайит кунларида табаррук отахон, мунис онахонларга иймон, ёшларга тавфиқу ҳидоят тиланади. Қариндош-уруғлар, ёру биродарлар зиёрат қилинади, бева-бечоралар ҳолидан хабар олинади. Ҳайит кунлари оила ичида ҳам байрам кайфиятини тиклаш керак. Уйга қилинадиган харажатларни одатдагидан яхшироқ қилиш даркор. Иложи бўлса, оила аъзоларига совға ва махсус ҳадялар улашилса, янада яхши бўлади. Ҳайит кунларида беморларнинг ҳолидан хабар олиш, уларнинг ҳам ҳайитни нишонлашларига кўмаклашиш айни савоб иш бўлади. Ҳайит кунлари силаи раҳм қилиш, қариндош-уруғ, кексалар ва беморларни, қуда-андаларни зиёрат қилиш ҳар қачонгидан ҳам кўра таъкидланган бўлиб, савоби кўпроқ бўлади. Ҳайит арафасида қўни-қўшниларга меҳр-мурувват кўрсатиш билан бирга моддий ёрдамга муҳтож кишилар, яъни кам таъминланган оилаларга хайр-эҳсон қилинса, уларнинг хонадонларига ҳам байрам шукуҳи кириб борган бўлади. Болаларни ҳайит куни ҳайитлик совға-саломлар билан сийлаш лозим, токи бу байрамни орзиқиб кутсинлар.

Дарҳақиқат, мўмин-мусулмонлар Рамазон ҳайити байрамига олдиндан тайёргарлик кўра бошлайдилар. Байрамдан бир неча кун олдин ҳовлилар, кўча-кўй саранжом-саришта қилинади. Уйни янги буюмлар билан безашга, чиройли уй-рўзғор буюмлари сотиб олишга алоҳида эътибор қаратилади. Кишилар янги либослар кийишга ҳаракат қилади. Қолаверса, тарихий қадамжолар, қабристонлар ҳам тозаланиб, зиёратчиларнинг келиб-кетиши учун қулай шароит яратилади. Бир сўз билан айтганда, Рамазон ҳайити яхшиликлар жам бўладиган гўзал байрамдир. Барчамизга ушбу байрамни гўзал кутиб олиш, хайр-барокатидан насибадор бўлиш насиб қилсин!

# "Автомобилсиз кун": хайрли лойиҳада иштирок этайлик!

**Шуҳрат НОРМУРОДОВ,** "O'zbekiston bunyodkori" мухбири.

**"Пиёдаларни севиш керак, пиёдалар инсониятнинг асосий қисмини ташкил қилади. Дунёни пиёдалар бунёд этишган... Ҳамма нарса тахт бўлиб, курраи заминимиз кўркам тус олгач, автомобилчилар пайдо бўлишди. Пиёдалар қурган кўчалар автомобилчилар ихтиёрига ўтиб кетди. Умуман, пиёдаларнинг обрўсига қаттиқ путур етди".**

Бу сатрлар 1931 йилда рус ёзувчилари – Ильф ва Петров томонидан битилиб, илк автомобиль намуналари кўчаларда пайдо бўлгандаёқ, пиёдаларнинг кейинги тақдири эҳтимолий хавотирга олинган эди. Орадан салкам бир аср ўтиб, бу хавотир чинакам хавфга айланиб улгурди. Бугун инсониятнинг ажралмас "бисот"ига айланган автомобиль оҳанрабоси сабаб, дунё цивилизациясининг илк бунёдкорлари сафига ҳам тобора путур етмоқда.

Тошкентда ўтказилган биргина акция сабаб, ушбу ноёб "бисот" эгалари ҳам бирровга пиёдаларга айланишди ва икки тоифа ўртасидаги тафовут қисқаргандек бўлди.

Америка, Япония, Европа давлатларида миллионерларни фақат банкдаги ҳисоб жамғармасидан билиш мумкин. Улар оддий одамлар қатори хиёбонларда, денгиз қирғоғида пиёда сайр қилади, велосипед минади. Бизда бир кун машинасиз юриб кўринг, маҳалладагилар қайтишингизда саломингизга алик ҳам олмаслиги мумкин. Шояд, одамларнинг нуфузини, қадрини белгиловчи бу ёмон тамойил энди оммалашаётган "Автомобилсиз кун" акцияси орқали йўқолиб борса.

Кўпчилик иштирок этган "Автомобилсиз кун" лойиҳаси, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 21 февралдаги фармони билан кенг жамоатчилик вакиллари ва экология фаоллари таклифлари асосида ҳар ойда бир марта Тошкент шаҳрида амалга оширилиши белгиланган эди. 29 март куни бўлиб ўтган "Автомобилсиз кун" жамоатчилик лойиҳасида вазирлик ва идоралар, ҳудудий ижро этувчи ҳокимият органларининг раҳбар ва масъул ходимлари иш жойига жамоат транспортида келиб, намуна кўрсатишди. Фақат шу акцияга кўпчилик диққат-эътиборида бўлган машҳур шахслар, халқ артистлари, актёрлар, шоу-бизнес вакиллари ҳам бош қўшганида, лойиҳа янада оммалашган бўларди.

Акциядан кўзланган асосий мақсад – соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш масалаларига жамоатчилик эътиборини жалб қилиш, шаҳарларда автомобиллар ҳаракатини камайтириш ва жамоат транспортини ривожлантиришдан иборат.

XXI асрда инсониятни жиддий ташвишга солаётган муаммолардан бири – атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва атмосферага чиқарилаётган турли чиқинди газларни инсон саломатлигига етказаётган салбий оқибатларидир. Маълум бўлишича, республикамизда атмосфера ҳавосига жами зарарли ташламаларнинг 58 фоизи (1,4 млн тонна) автотранспорт воситалари улушига тўғри келади. Бу кўрсаткич Тошкент шаҳрида 93 фоизни (397 минг тонна) ташкил этади. Демак, шу рақамлардан ҳам кўриниб турибдики, "бисотимиз" ҳисобланган автомобилларнинг экологияга таъсири анча жиддий ва хавотирли.

Биз автомобилсиз юрган ҳар бир кунимиз билан, аввало, атроф-муҳитнинг софлигига катта ҳисса қўшсак, бунинг яна бир муҳим жиҳати эса пиёда юриб саломатлигимизни тиклаймиз. Маълумотга кўра, пиёда юриш асаб тизими – мия фаолияти, ҳаракат тизимини яхшилайди, асаб ҳужайраларини кислород билан бойитади, тинчлантиради, уйқу меъёрлашади, юрак-қон томирлар тизими – қон босимини пасайтиради, юрак фаолиятини яхшилайди. Оёқ мушакларининг ритмик қисқариши ҳамда бўшашиши қон ва лимфа оқимини фаоллаштиради. Ҳаракат-таянч тизими – модда алмашинувини оширади, ортиқча вазнни йўқотади. Нафас олиш тизими – ўпка фаолиятини яхшилайди. Овқат ҳазм қилиш тизими – ўт пуфаги ва ичакларнинг тўлқинли ҳаракатларини кучайтириб, ўт қопида тош пайдо бўлиши ва қабзиятнинг олдини олади. Эндокрин тизими – ёғларнинг эриши ва углеводларнинг парчаланиши ҳисобига ортиқча вазн йўқолади, қандли диабетнинг олди олинади. Шунингдек, мунтазам пиёда юриш иммунитетни мустаҳкамлайди. Шунинг учун мутахассислар ҳар куни камида ярим соат пиёда юришни тавсия қилади.

Шундай экан, ўзини ва келажак авлод саломатлигини ўйлайдиганлар учун, умуман, барчамиз учун энди турмуш тарзимизни ўзгартириш вақти келди. Фақат Тошкент шаҳрида эмас, бошқа вилоятларда ҳам бу хайрли акцияни жамоамиз, оиламиз билан давом эттирайлик. Фақат белгиланган "Автомобилсиз кун"ларда эмас, кунда пиёда юришни давом эттирсак, аввало, ўзимиз учун, қолаверса, жамиятимиз учун ҳам фойдали бўлар эди.

IJTIMOIY-IQTISODIY GAZETA
O'ZBEKISTON BUNYODKORI
СТРОИТЕЛЬ УЗБЕКИСТАНА

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**

Батир Закиров
(Таҳрир ҳайъати раиси),
Шерзод Ҳидоятов,
Давронжон Адилов,
Озода Жўраева,
Козим Туляганов,
Юлдаш Магрупов,
Жамшид Исмаилов,
Бобир Элмуродов,
Қудратбек Хошимбеков.

**ТАҲРИРИЯТ:**

Бош муҳаррир **Дилшод Жалолов**

Бош муҳаррир ўринбосари **Райҳона Хўжаева**

Саҳифаловчи **Акмал Махкамов**

Мусаҳҳиҳ **Марҳамат Мусулмонқулова**

**Газета "Ўзбекистон бунёдкори" Нашриёт уйи МЧЖ томонидан нашрга тайёрланди.**

**"ЎЗБЕКИСТОН БУНЁДКОРИ" НАШРИЁТ УЙИ МЧЖ МУАССИСЛАРИ:**

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазирлиги, "Ўзсаноатқурилишматериаллари" уюшмаси, "ЎзГАШКЛИТИ" ДУК, "ЎзшаҳарсозликЛИТИ" ДУК, "Қишлоқ қурилиш инвест" ИК МЧЖ, "ЎзгеорангметЛИТИ" ДУК.

**ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:**

100011, Тошкент шаҳри,
Навоий кўчаси, 18-уй.
**Телефонлар:**
71-241-01-29 (қабулхона),
71-241-01-43 (таҳририят),
71-241-01-29 (бухгалтерия),
71-208-12-00 (реклама ва обуна бўлими).
**E-mail:** info@uzbunyodkor.uz

**ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАРНИНГ ТЕЛЕФОН РАҚАМЛАРИ:**

**Қорақалпоғистон Республикаси:** 90-658-50-43.
**Андижон вилояти:** 91-479-55-11.
**Бухоро вилояти:** 99-704-66-69.
**Жиззах вилояти:** 99-525-30-05.
**Қашқадарё вилояти:** 90-287-50-29.
**Навоий вилояти:** 99-731-17-40.
**Наманган вилояти:** 91-365-07-36.
**Самарқанд вилояти:** 95-560-30-45.
**Сирдарё вилояти:** 94-916-99-77.
**Сурхондарё вилояти:** 97-847-30-11.
**Фарғона вилояти:** 90-349-55-56.
**Хоразм вилояти:** 97-790-47-61.

Газета 2016 йил 25 июлда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0874-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси – 466.
Буюртма – Г-441.
1688 нусхада босилди.
Қоғоз бичими А-2.
Ҳажми – 5 табоқ, офсет усулида босилган. Баҳоси келишилган нархда. ISSN 2181-8762.
Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

**КОРХОНА МАНЗИЛИ:**
Тошкент шаҳри,
"Буюк Турон" кўчаси, 41.

**Навбатчи муҳаррир** – Р. Хўжаева.

**Навбатчи** – А. Эгамбердиев.

ЎзА якуни –
Топширилди – 22.35.

1 2 3 4 5 6